Аннотация: В данной статье анализируются перспективы развития цифрового маркетинга. Был изучен опыт развитых стран в области цифрового маркетинга, проанализированы направления цифрового маркетинга, а также сделаны выводы и предложения относительно развития цифрового маркетинга в нашей стране.

Ключевые слова: *цифровой маркетинг, платформа, цифровизация, электронное устройство, электронная коммерция, социальный маркетинг, QR-код, социальная сеть.*

Abstract: This article analyzes the development prospects of digital marketing. The experience of developed countries in the field of digital marketing has been studied, the directions of digital marketing have been analyzed, and conclusions and suggestions have been made regarding the development of digital marketing in our country.

Key words: *digital marketing, platform, digitalization, electronic device, e-commerce, social marketing, QR code, social network.*

Kirish

Raqamli iqtisodiyot taraqqiy etgan sari, hayotimizga raqamli marketing tushunchasi ham kirib keldi. Raqamli marketing (Onlayn marketing) deganda, mahsulot va xizmatlarni ijtimoiy media, elektron pochta va mobil ilovalar kabi raqamli kanallar orqali targ‘ib qilish harakati tushuniladi. Ya’ni, elektron qurilmalar orqali amalga oshiriladigan marketing shakli raqamli marketing hisoblanadi.

Raqamli marketing yaratilish tarixiga nazar tashlaydigan bo‘lsak, uzoq vaqtlar oldin olimlar tomonidan yaratilgan bo‘lishiga qaramasdan, 2000-yillarning boshlaridan ommalashishni boshlagan. Dunyo bo‘yicha raqamli marketingning asoschisi Guglielmo Markoni bo‘lib, u 1874-yilda tavallud topgan. U 1896-yilda

“Simsiz signallarni ommaviy uzatish” (“Public transmission of wireless signals”) ni namoyish etgan birinchi shaxs hisoblanadi. Keyinchalik, Guglielmo Markoni radioni kashf qildi, ushbu kashfiyoti ommaga yetib borishi uchun kamida 10 yil kerak bo‘lsa-da, ijodkorlar undan biror narsa sotish uchun foydalanishlari mumkinligini darhol tushunib yetishdi. Birinchi jonli efir, Met nomli operada bo‘lib o‘tdi va odamlar unda qatnashish uchun chiptalar sotib olishdi, shu tariqa raqamli marketing degan tushuncha paydo bo‘ldi.

Raqamli (onlayn) marketing haqida fikr yuritadigan bo‘lsak, bu marketingning asosiy ustuni hisoblanib, quyidagi toifalarga bo‘linadi:

- Qidiruv tizimini optimallashtirish;
- Qidiruv mexanizmi marketingi (SEM);
- Kontent marketingi;
- Ijtimoiy media marketingi (SMM);
- Klik uchun to‘lovli reklama (PPC);
- Hamkorlik marketingi;
- Elektron pochta marketingi.


- Bundan tashqari, raqamli marketingning quyidagi ko‘rinishlari ham mavjud:
 - kengaytirilgan oflayn marketing;
 - radio marketing;
 - televizion marketing;
 - telefon marketingi;
 - QR kodlari.

Raqamli marketing an’anaviy marketing bilan bir xil tamoyillarni o‘z ichiga oladi va ko‘pincha kompaniyalar uchun iste’molchilarga yaqinlashish va ularning xatti-harakatlarini tushunishning yangi usuli hisoblanadi. Kompaniyalar ko‘pincha o‘z strategiyalarida an’anaviy va raqamli marketing usullarini tanlashadi.

Umuman olganda, kompaniyalar va tashkilotlar mahsulot hamda xizmatlari to‘g‘risidagi ma’lumotlarni iste’molchilarga yetazish, ularning bozordagi ulushini oshirish maqsadida raqamli marketingdan foydalanishadi. Raqamli marketingni tushunib yetish, bu orqali tovar va mahsulotlarni sotish har bir kompaniya uchun muhim omil hisoblanadi va iste’molchilarga tovar va mahsulotlarni yetkazib berish qobiliyatini shakllantirish talab qilinadi. Quyidagi 1-rasmda raqamli marketingning rivojlanish bosqichlari tasvirlangan.

Dunyo bo‘yicha katta korporatsiyalar an’anaviy ravishda bosma nashrlar, televideniya va radio orqali marketingga e’tibor qaratdilar. Ushbu variantlar hali ham mavjud bo‘lsa-da, Internet kompaniyalarning iste’molchilarga mahsulot va tovarlarni yetkazib berish yo‘lini o‘zgartirishga olib keldi. Aynan shu yerda raqamli marketing

muhim rol o'ynadi. Marketingning ushbu shakli veb-saytlar, ijtimoiy media, qidiruv tizimlari va ilovalardan foydalanishni o'z ichiga oladi.



1-rasm. Raqami marketingning rivojlanish istiqbollari¹

Rivojlanayotgan texnologiyalar va yangi tendentsiyalar kompaniyalarni marketing strategiyalarini o'zgartirishga majbur qilmoqda. Elektron pochta raqamli marketingning dastlabki kunlarida mashhur marketing vositasiga aylandi. Bu e'tibor Netscape kabi qidiruv tizimlarini paydo bo'lishiga olib keldi, bu esa korxonalariga o'zlarining tovarlar va mahsulotlari to'g'risida iste'molchilarga ma'lumot yetkazish uchun teg va kalit so'zlarni qo'shish imkonini berdi. Facebook kabi saytlarning yaratilishi va rivojlanishi kompaniyalarga iste'mol tendentsiyalarini qondirish uchun ma'lumotlarni kuzatish imkonini berdi.

Smartfonlar va boshqa raqamli qurilmalar kompaniyalarga o'zlarini, mahsulot va xizmatlarini iste'molchilarga sotishni osonlashtirmoqda. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, odamlar internetga kirish uchun telefonlaridan foydalanishni afzal ko'rishadi. Quyida raqamli marketingning turlari to'g'risida batafsil ma'lumot berib o'tamiz.

1. Radio marketing. Eng gullab-yashnayotgan marketing turi hisoblanadi. Statistik ma'lumotlarga ko'ra, AQSHda har oyda deyarli 244 mln aholi radio eshitadi, odamlar bir kunda kamida 99 minut vaqtini radio kontentlarini tinglash uchun sarf qilishadi va radio orqali reklama harajatlari 11 milliard dollarni tashkil qilishi kutilmoqda.

2. Televizion marketing. Televizion marketing shunchalik kattaki, uni butunlay yo'q qilish dargumon. Biroq, iste'molchilar Netflix va Amazon Prime kabi striming xizmatlari foydasiga an'anaviy televideniyaning o'zgarib

¹ Internet ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

bormoqda. Televizion marketing haqida ba'zi tezkor faktlar: AQShda 122,4 million xonadonda televizor bor, kabel provayderlari 2019 va 2021-yillar orasida yiliga 6 million abonentini yo'qotgan hamda AQSh uy xo'jaliklarining 85 foizi kamida bitta striming xizmatiga ega.

3. Mobil marketing. Amerikaliklarning qariyb 75 foizi smartfonga ega va ko'proq odamlar ish stoli kompyuter yoki noutbukdan ko'ra o'z telefonlari orqali internetga kirishadi. 2015-yilda mobil reklama uchun sarflangan mablag' birinchi marta an'anaviy reklamalariga sarflanganidan oshib ketdi va bozor o'sishda davom etmoqda.

4. QR kodlar. QR kodlari foydalanuvchilarni ma'lum bir veb-sahifa yoki ilovaga olib boradigan shtrix-kod turi hisoblanadi.

Raqamli marketingning asosiy samaradorlik ko'rsatkichlari shakllantirilgan bo'lib, ular kompaniyalarning rivojlanish strategiyalarini belgilab beradi va quyidagi ko'rsatkichlarni o'z ichiga oladi:

Blog maqolalari: Marketologlar ushbu samaradorlik ko'rsatkichlaridan kompaniya har oy necha marta blog postlarini nashr etishini aniqlash uchun foydalanishlari mumkin.


Bosish stavkalari: Kompaniyalar ushbu samaradorlik ko'rsatkichlaridan elektron pochta xabarlarini tarqatish uchun qancha bosish sodir bo'lishini aniqlash uchun foydalanishlari mumkin. Bunga elektron pochta ochadigan va savdoni yakunlash uchun havolani bosgan odamlar soni kiradi.

Ayirboshlash darajasi: Ushbu daraja harakatga chaqiruvchi reklama dasturlariga qaratilgan. Ushbu dasturlar iste'molchilardan mahsulot yoki xizmatni reklama muddati tugaguniga qadar sotib olish kabi muayyan harakatlarni bajarishni ifodalaydi.

Ijtimoiy tarmoqlardagi trafik: Bu korporativ ijtimoiy media profillari bilan qancha odam o'zaro aloqada bo'lishini kuzatadi. Bunga yoqtirishlar, kuzatishlar, ko'rishlar, ulashishlar yoki boshqa harakatlar kiradi.

Veb-sayt trafiki: Marketologlar kompaniya veb-saytiga qancha odam tashrif buyurishini kuzatish uchun ushbu ko'rsatkichdan foydalanishlari mumkin. Korporativ boshqaruv ushbu ma'lumotlardan sayt dizayni va tuzilishi savdoga hissa qo'shayotganini tushunish uchun foydalanishi mumkin.

Raqamli marketingning foydali tomonlari bilan bir qatorda muammolari ham mavjud. Raqamli kanallar tez sur'atlar bilan ko'payadi va raqamli marketologlar ushbu kanallar qanday ishlashini, ulardan qabul qiluvchilar tomonidan qanday foydalanilishini va mahsulot yoki xizmatlarini samarali sotish uchun ushbu kanallardan qanday foydalanishni bilishlari lozimdir. Iste'molchilarning e'tiborini jalb qilish qiyinlashib boradi, chunki raqobatbardosh reklamalar kundan-kunga ortib boradi. Quyidagi 2-rasmda raqamli marketingning strategiyalari to'g'risida ma'lumot beramiz.



2-rasm. Raqamli marketing strategiyalarini qurish jarayonlari²

Raqamli sotuvchilar, shuningdek, ular qo‘lga kiritgan ma‘lumotlarning katta hajmini tahlil qilish va bu ma‘lumotlardan yangi marketing strategiyalarida foydalanishni qiyin deb hisoblashadi. Ma‘lumotlarni to‘plash va undan samarali foydalanish muammosi raqamli marketingda iste‘molchi xatti-harakatlarini chuqur tushunish, zamonaviy marketingga yondashuvlarni o‘rganishlarini talab qiladi. Raqamli marketingning foydali tomonlari quyidagilardan iborat:

Mahalliy auditoriya, balki xalqaro auditoriyani ham maqsad qilishi mumkin;

Iste‘molchilar tashkilotlar tomonidan yaratilgan kontentlarni qanday qabul qilishlarini tanlashlari mumkin;

Ijtimoiy tarmoqlardan foydalangan holda iste‘molchilar bilan muloqot qilish mumkin;

Raqamli marketing tejamkor hisoblanadi;

Ma‘lumotlar va natijalar osongina yozib olinadi;

Real vaqtda natijalarni olish;

Brendni rivojlantirish va hokozolar.

Quyidagi 1-jadvalda an‘anaviy marketing va raqamli marketing o‘rtasidagi farqlarni ko‘rib chiqamiz.

Raqamli marketingni tushunish uchun har bir kompaniya yoki tashkilot o‘z mahsulotlari tarixini yaxshi bilishlari, iste‘molchilarga aytib berish uchun muloqot qobiliyatlari bilan bir qatorda kontent yozish qobiliyatiga ham ega bo‘lishi kerak. Chunki ma‘lumotlarni tahlil qilish ko‘nikmalari kompaniyalar marketing orqali

² Muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

qanchalik yaxshi ishlashini va ularni qayerda yaxshilash mumkinligini tushunish uchun muhim omil hisoblanadi.

1-jadval

An’anaviy va raqamli marketing o’rtasidagi farqlar³

An’anaviy marketing	Raqamli marketing
Muloqot bir tomonlama. Ya’ni, biznes o’z mahsuloti yoki xizmatlari haqida bir guruh odamlar bilan muloqot qiladi.	Muloqot ikki tomonlama. Xaridor shuningdek, biznes mahsulotlari va xizmatlari haqida savollar berishi yoki takliflar berishi mumkin.
Aloqa vositasi odatda telefon qo’ng’iroqlari, xatlar va elektron pochta xabarlarini orqali amalga oshiriladi.	Muloqot vositasi asosan ijtimoiy tarmoqlar, chat, veb-saytlar va elektron pochta orqali amalga oshiriladi.
Hamkorlikdagi loyihalarni tayyorlash va ishga tushirish uchun ko’proq vaqt sarf qilinadi.	Loyihalarni onlayn shaklda ishlab chiqish va uning rivojlanishi davomida o’zgarishlarni amalga oshirishning har doim tezkor usuli mavjud. Raqamli vositalar yordamida bular yanada oson.
U ma’lum bir auditoriya uchun kompaniya g’oyalarni yaratishdan to mahsulot yoki xizmatni sotishgacha amalga oshiriladi.	Kontent keng jamoatchilik uchun mavjud. Qidiruv tizimi texnikasidan foydalangan holda ma’lum bir auditoriyaga erishish uchun amalga oshiriladi.
Bu an’anaviy marketing usuli; mahalliy auditoriyaga erishish uchun eng yaxshisidir.	Bu global auditoriyaga erishish uchun eng yaxshisidir.
Kompaniyaning samaradorligini o’lchash qiyin.	Kompaniya samaradorligini tahlillar orqali o’lchash osonroq.

Bundan tashqari, raqamli marketingda ijtimoiy media va boshqa onlayn ko’nikmalarni o’zlashtirish ham majburiydir. Quyida B2B va B2C raqamli marketing haqida fikr yuritamiz.

Raqamli marketing strategiyalari B2B (biznesdan biznesga) hamda B2C (biznesdan iste’molchiga) kompaniyalar uchun xizmat qiladi. Lekin bularning o’rtasida farqlar mavjud. B2B ko’rinishidagi mijozlarning qaror qabul qilish jarayonlari uzoqroq vaqt oladi, B2C mijozlar esa qisqa muddatli takliflar va xabarlarga yaxshiroq javob berishadi. B2B tranzaksiyalari odatda mantiq va dalillarga asoslanadi, bu esa malakali B2B raqamli sotuvchilarni izlab topishga yordam beradi. B2C kontenti esa, ko’proq emotsional asosga ega bo’lib, xaridorga xariddan mamnun bo’lishga qaratilgan raqamli marketingdir.

Raqamli marketingning rivojlanish tendensiyalari bo’yicha xorijiy davlatlar tajribasini ko’rib chiqamiz.

Xitoy tajribasi. Xitoyda samarali savdo qilish uchun Xitoyda eng mashhur kanal brendlariidan foydalanish mumkin. Xitoyda reklama uchun eng yaxshi 5 ta raqamli kanallar mavjud, ya’ni WeChat, Weibo, Baidu, Alimama va Blytedancedir. Xitoyda raqamli marketingdan foydalanishning kuchli tomonlari quyidagilardan iborat:

³ Internet ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

1. Mahsulot haqida to'liq ma'lumot. Narx, texnik standart, kafolat ma'lumotlari, qo'llash usuli va mahsulotning umumiy xarakteristikalari Internetda aniq ko'rsatiladi. Raqamli marketing yordamida mijozlar ushbu ma'lumotlardan an'anaviy marketingga qaraganda osonroq foydalanishlari mumkin.

2. Integratsiya va qulay konversiya. Raqamli marketing savdodan oldingi rag'batlantirish, tranzaksiya va sotishdan keyingi xizmatlarni bitta xizmatlar zanjiriga birlashtiradi, bu esa mijozlarga biznes tomonidan taqdim etilgan xizmatlardan maksimal darajada foydalanish imkonini beradi.

3. Keng geografik joylashuv. Raqamli marketing bilan reklama geografik cheklolarga bo'ysunmaydi. Internetda yoki ijtimoiy tarmoqlarida reklama joylashtirilgach, butun mamlakat bo'ylab odamlar reklamani ko'rishlari mumkin.

4. Xarajatlar samaradorligi. Birinchidan, reklamani ta'siri geografik chegaralar bilan cheklanmaganligi sababli, korxonalar avvalgidek ko'p reklama joylashtirishlari shart emas. Ikkinchidan, raqamli marketing yordamida korxonalar o'z mahsulotlarini bevosita mijozlarga sotishlari mumkin. Mahalliy yetkazib beruvchilarga to'lovni tejash mumkin. Uchinchidan, Internetda yoki ijtimoiy media platformalarida mahsulot haqidagi ma'lumotlarni ko'rib chiqadigan odamlar odatda sotib olishga moyil bo'lgan yoki hech bo'lmaganda mahsulotga qiziqqan odamlardir. Bularning barchasi biznes xarajatlarini tejaydi.


5. Shaxsiylashtirish. Ko'pgina veb-saytlar va ilovalar odamlarning tashrif buyurish tarixini kuzatishi mumkin. Bu veb-saytlar va ilovalarga odamlarga shaxsiy tarkibni taqdim etish imkonini beradi. Har bir iste'molchiga ko'proq maqsadli ma'lumot yetkazilganligi sababli, iste'molchining kerakli mahsulotlarni topish va xarid qilish ehtimoli ko'proq bo'ladi.

6. Miqdoriy natijalar. Katta ma'lumotlarni tahlil qilish va ilg'or axborot texnologiyalari yordamida korxonalar ma'lum raqamli marketing strategiyasini amalga oshirish natijasida amalga oshirilgan konvertatsiyalar sonini kuzatish imkoniyatiga ega. Bu korxonalarga raqamli marketing strategiyasini joriy bozor tendentsiyasiga va odamlarning o'z mahsulotlari haqidagi fikr-mulohazalariga ko'ra moslashtirish imkonini beradi.

Janubiy Koreya tajribasi. Janubiy Koreya o'zining farovon iqtisodiy o'sishi va ilg'or raqamli texnologiyalari bilan sotuvchilar va xaridorlar diqqat-e'tiborini o'ziga jab qilib kelmoqda. 2019-yilda mamlakat onlayn chakana savdo bo'yicha dunyo bo'ylab 3-o'rinni egalladi va uning B2C elektron tijorat bozori mamlakatning umumiy chakana savdosining deyarli to'rtidan bir qismini tashkil etdi. 2019-yildan 2021-yilgacha Koreyaning raqamli reklama xarajatlari 1,2 milliard dollarga sezilarli darajada oshgan. Koreya nafaqat gullab-yashnamoqda, balki yuqri tezlik bilan raqamli marketing sohasini kengaytirishda davom etmoqda.

51,29 million aholiga ega Janubiy Koreyada urbanizatsiya darajasi 81,4 foizni tashkil etadi. Koreyslarning 97 foizi internet foydalanuvchilari, 45,79 million faol ijtimoiy tarmoqlar foydalanuvchilari hisoblanib, bu aholining 89,3 foizini tashkil qiladi. Koreyalik internet foydalanuvchilari har kuni internetda o‘rtacha 5 soat 37 daqiqa vaqt sarflaydi, buning 2 soat 51 daqiqasini video (efir va translyatsiya) uchun, 1 soat 8 daqiqani ijtimoiy tarmoqlarda o‘tkazishadi. Video kontentlar koreyslar tomonidan iste’mol qilinadigan asosiy kontent formati bo‘lganligi sababli, Koreyadagi **Dong Suh Foods, Hyundai Motors, Samsung va LG Electronics** kabi mahalliy va xalqaro brendlar o‘zlarining marketing rejalariga video marketingni asosiy strategiya sifatida kiritadilar. 2020-yilning ikkinchi yarmida Koreyada onlayn video reklamalarga sarflangan mablag‘ 616,6 milliard KRW ga yetdi, YouTube esa eng ko‘p ma’qullangan media platforma hisoblanadi. Koreyada eng ko‘p foydalaniladigan ijtimoiy media platformalari YouTube bo‘lib, ularning kirish darajasi 85,9% ni tashkil etadi, undan keyin KakaoTalk (80,1%), Instagram (57,5%) va Facebook (55,4%)dir. Quyidagi 3-rasmda Koreyada mashhur bo‘lgan platformalar haqida ma’lumot berib o‘tamiz.

Foydalanish darajasi(% da)



3-rasm. Janubiy Koreyada mashhur bo‘lgan platformalar⁴

Ushbu diagrammadan ko‘rish mumkinki, Janubiy Koreyada Youtube foydalanuvchilari soni 85.9 foizni tashkil qilsa, whatsapp foydalanuvchilari soni 7.4 foizni tashkil qiladi. Janubiy Koreyada raqamli marketingning quyidagi imkoniyatlari mavjud:

1. Koreyada video marketing. Video marketing bugungi kunda juda mashhur bo‘lgan marketingdir. Ayni paytda **YouTube, AfreecaTV va Twitch** kabi

⁴ Internet ma’lumotlari asosida tayyorandi.

videoga asoslangan platformalar ommalashib ketdi va koreyslarning onlayn video iste'moli ustuniga aylandi.

2. Koreyada Webtoon reklamasi. Ayni paytda Koreyada Webtoon mashhurligi ortib bormoqda. Bu raqamli platforma uchun rasmlarga ega raqamli platformadir. Koreyada **Naver Webtoon, Daum Webtoon, Lezhin** kabi bir nechta Webtoon platformalari bozorda hukmronlik qiladi. Webtoon bozori 2020-yildan boshlab 1 trillion KRW gacha kengaydi va doimiy ravishda o'sishi kuzatilmoqda. Har kuni 8 million koreyslar Naver Webtoonni tomosha qilishadi.

Yaponiya tajribasi. Dunyoning uchinchi yirik iqtisodiyoti va yetakchi innovatsion markazi sifatida e'tirof etilgan Yaponiya har doim marketologlar uchun sarmoya kiritish uchun ideal joy hisoblanadi. Yaponiya o'zining yuqori darajada rivojlangan erkin bozor iqtisodiyoti va texnologiyalari bilan bir qatorda raqamli marketing strategiyalarini yaratishda juda ko'p salohiyat va istiqbollarga ega mamlakatdir. Yaponiya yuqori urbanizatsiyalashgan mamlakat bo'lib, urbanizatsiya darajasi 126,3 million aholining 91,8% ni tashkil qiladi. Yaponlarning 93%i internet foydalanuvchilari, 93,8 million faol ijtimoiy media foydalanuvchilari bilan birga aholining 74,3 foizini tashkil qiladi. Yaponiyalik internet foydalanuvchilari har kuni o'rtacha 4 soat 25 daqiqa vaqtini onlayn rejimda o'tkazadilar, buning taxminan 2,5 soati translyatsiya va translatsiyalarni o'z ichiga olgan videolarda, 51 daqiqa esa ijtimoiy tarmoqlardadir. Har oy yapon internet foydalanuvchilarining 83,4 foizi onlayn videolarni tomosha qiladi, bu boshqa onlayn kontent faoliyatidan ancha ustundir. Yaponiyada eng ko'p foydalaniladigan 5 ta ijtimoiy media platformasi: YouTube (74,3%), Line (69,6%), Twitter (51,5%), Instagram (38,6%) va Facebook (30,5%) hisoblanadi. Yaponiyaning eng yaxshi 5 ta mobil ilovalari qatoriga Line, Twitter, Instagram, Yahoo! Yaponiya va Amazon kiradi.

Xulosa

Xulosa qilib aytganda, raqamli marketing dunyoni egallab bormoqda. Har bir inson vaqtini sarflamasdan o'ziga yoqqan narsaga buyurtma berib, uy manzilini kiritib hisob raqamiga pul o'kazib bersa, buyurtmasi bir necha kunda yetib keladi. Bu esa raqamli marketingning afzallik tomonlarini ko'rsatib beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Цифровая трансформация бизнеса: Изменение бизнес-модели для организации нового поколения / Питер Вайл, Стефани Ворнер ; Пер. с англ. — М. : Альпина Паблишер, 2019. — 257 с.
2. Hakimov Z.A., Sharifxodjayev U.U. Interaktiv va raqamli marketing. O'quv qo'llanma. T.: "Iqtisodiyot", 2019 – 270 b.

3. Акаев А.А., Кенжабаева А.Т., Илхамова Ё.С., Жуманиёзова М.Ю. Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари. Дарслик.Т.-“Фан ва технология”. 2019.- 510 бет.

4. Alghizzawi, M. (2019). The role of digital marketing in consumer behavior: A survey. *Int. J. Inf. Technol. Lang. Stud*, 3(1), 24-31.

5. Aque, A. J. A., Madronero, I. M., Nabasca, R. B., Edig, M. M. N., & Buladaco, M. V. M. (2021). Relationship between Digital Marketing and Economic Stability of Online Sellers in Panabo City. *International Journal of Scientific Research and Engineering Development*, 4(1), 805-815.

6. Atienza, M. A. & Tabuena, A. C. (2021). The impact of COVID-19 pandemic on managerial accounting and its adjustments in financial markets. *International Journal of Business, Technology and Organizational Behavior*, 1(4), 287-296.

7. Durai, T., & King, R. (2019). Impact of Digital Marketing on the growth of consumerism. *SSRN Electronic Journal*. <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.3344421>.

8. Finotto, V., & Mauracher, C. (2020). Digital marketing strategies in the Italian wine sector. *International Journal of Globalisation and Small Business*, 11(4), 373-390.

МОДЕЛИРОВАНИЕ БИЗНЕС ПРОЦЕССОВ КОМПАНИИ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ

Гафурова Дилшода Рамазановна

PhD, доцент Ташкентского международного университета Кимё

Нуров Шохрухжон Шомуродович

магистрант Ташкентского международного университета Кимё

Аннотация: В данной статье приведены теоретические аспекты формирования бизнес процессов компании в условиях цифровой трансформации. Предложены этапы моделирования бизнес процессов и технология совершенствования бизнес процессов в условиях цифровой трансформации.

Ключевые слова: *бизнес процесс, цифровизация, цифровая трансформация, моделирование, технология.*

Annotasiya: Ushbu maqolada raqamli transformatsiya sharoitida kompaniyaning biznes jarayonlarini shakllantirishning nazariy jihatlari keltirilgan. Raqamli transformatsiya sharoitida biznes-jarayonlarni takomillashtirish texnologiyasi va biznes jarayonlarini modellashtirish bosqichlari taklif etilgan.

Kalit soʻzlar: *biznes jarayon, raqamlashtirish, raqamli transformatsiya, modellashtirish, texnologiya.*

Abstract: This article presents the theoretical aspects of the formation of a company's business processes in the context of digital transformation. The stages of modeling business processes and technology for improving business processes in the context of digital transformation are proposed

Key words: *business process, digitalization, digital transformation, modeling, technology.*

Введение

Эффективное проектирование и выполнение бизнес-процессов приобретает все более важное значение для современных организаций. Необходимость организации постоянного перепроектирования бизнес-процессов на регулярной основе, является способом согласования его операционной практики с его меняющимися бизнес-требованиями. Важно, чтобы бизнес-процессы были понятны и представлены систематически, а их влияние должно быть четко определено [1]. Чтобы прийти к такому пониманию,

нужно создать модели бизнес-процессов [2]. Эти модели представляют текущие или будущие желаемые результаты организационного поведения для достижения различных целей, в том числе контроль и мониторинг выполнения процесса.

Традиционный функциональный взгляд на организацию теперь заменена или интегрирована представлением процесса, так как процессы могут более четко определять и соотноситься с намеченными целями бизнеса пересекая функциональные границы [3]. Согласно определению Хаммера и Чампи, бизнес-процесс - это совокупность действий, конечной целью которых является производство определенного продукта, ценность для клиента [4]. Бизнес-процесс имеет цель и зависит от событий происходящие во внешнем мире или в других процессах. Как и в случае с большинством терминов, существуют и другие определения и классификации бизнес-процессов.

Aguilar Saven различает «основные» и «вспомогательные» бизнес-процессы. Основные (или первичный) процесс инициируется извне организации, т.е. цепь деятельности, реализующая доставку товара покупателю [5]. Поддерживающий (или вторичный) процесс создает условия для осуществления первичного процесса. На самом деле бизнес-процесс - это не просто поток действий; она также характеризуется имеющий глубокую и вложенную структуру [6].

Бизнес-процесс - это просто структурированный набор действий, который производит определенный результат для конкретного клиента или рынка. Это подразумевает сильный акцент на том, как выполняется работа внутри организации, в отличие от ориентированности продукта. Таким образом, процесс представляет собой определенный порядок рабочих действий во времени и пространстве, с началом, концом и ясно определенные входы и выходы: структура для действий [7].

Модели, по сути, являются средством экспликации, согласования и управления информацией, четко определенным и структурированным образом [8]. Без моделирования очень трудно управлять огромными объемами информации и прийти к любой форме общего понимания, особенно в условиях цифровой трансформации. Более того, способность хранить информацию означает, что модели часто предоставляют средства управления документацией, сохраняя информацию для будущего «моделирование процессов происходит на фоне организационных изменений и поддерживается информационными технологиями, в которой модели процессов создаются для выполнить несколько целей» [9].

Для моделирования бизнес-процессов компании разработана методика, учитывающая факторы цифровой трансформации (рис. 1).



Рисунок 1. Моделирование управленческих решений при совершенствовании бизнес процессов в условиях цифровой трансформации

Для моделирования бизнес-процессов в компании, учитывающих цифровизацию, необходимо использовать определенные технологии.

Научная новизна методики моделирования бизнес-процессов компании с учетом цифровизации, заключается в комплексном решении поставленных задач с помощью факторов и инструментов цифровой трансформации.

Технология моделирования бизнес-процессов предприятия с учетом цифровизации включает 12 этапов исследования. В первую очередь подбирается команда экспертов для повышения эффективности бизнес-процессов компании. Другими словами, применяется метод качественного исследования, основанный на коллективной оценке ряда лиц. Команда экспертов по повышению эффективности бизнес-процессов компании должна быть компетентной и иметь соответствующий опыт и даже обучение по данной тематике. Целью данной группы экспертов является разработка проектов по улучшению бизнес-

процессов организации в контексте проводимой компанией цифровой трансформации.

Разработке проектов по улучшению бизнес-процессов организации в условиях цифровой трансформации способствует сбор и первичный анализ исходной информации в организации. В контексте оцифровки использование программного обеспечения и цифровых услуг для анализа и обработки информации способствует повышению эффективности данного процесса. Следующим этапом является внедрение методологии анализа и оценки эффективности бизнес-процессов на основе способа работы и возможностей ресурсов компании.

Оценка важности и стоимости моделирования бизнес-процессов является следующим этапом оценки, если стоимость высокая, то необходимо принять решение об этих изменениях, а если стоимость низкая, то все зависит от способности организации контролировать текущие организационные процессы с помощью информации при положительной динамике. На этом этапе проектной деятельности разрабатывается целевой проектный подход с конкретными целями, задачами, ресурсами, ответственными лицами. Здесь же проверяется способность компании достичь целей проекта, и если ресурсов не достаточно для достижения целей, то проект необходимо изменить и вернуться к разработке; если процессы проанализированы недостаточно, то проект возвращается на этап "Применение методов анализа и оценки эффективности бизнес-процессов", т.е. должен быть реорганизован. Если результаты последнего этапа положительные, то проект по улучшению бизнес-процессов организации в контексте цифровизации следует завершить.

Технология совершенствования бизнес процессов осуществляется четырьмя этапами: оценка необходимости моделирования бизнес-процессов, создание эффективной модели бизнес-процессов, разработка конечного результата моделирования бизнес-процессов и оценка эффективности в условиях цифровой трансформации. Все эти этапы осуществляются с активным использованием современных методов, инструментов, факторного анализа и показателей эффективности.

Этап 1 – Исследование/оценка потребностей в моделировании бизнес-процессов. Этот этап включает в себя анализ ключевых и поддерживающих бизнес-процессов, определение сильных и слабых сторон их реализации в бизнесе, выявление слабых сторон и угроз и определение необходимости моделирования конкретных бизнес-процессов в организации.

Этап 2 – Создание эффективной модели бизнес-процессов. Этот этап состоит из анализа определенных факторов и инструментов для этой цели.

На этом этапе изучаются бизнес-процессы компании в контексте цифровизации, которая в настоящее время является растущим явлением, и рассматривается факторный анализ.

Ориентация на клиента (модель цифрового роста компании в текущей ситуации). Эта модель развития должна иметь полное представление о конечном потребителе - omnichannel.

Цифровые технологии. Эффективная цифровая трансформация существующих бизнес-процессов на предприятиях требует сочетания технологий для достижения поставленных целей, оцифровки и автоматизации бизнес-процессов. Сегодня актуальные цифровые технологии для бизнеса включают облачное хранение данных, большие данные, веб-сайты, мобильные устройства и приложения, юридически доверенный обмен электронными документами, блокчейн, проприетарное компьютерное программное обеспечение и универсальные компьютерные программы.

Минимизация затрат. В современных условиях актуален затратный подход к моделированию бизнес-процессов компании, который требует разработки программ по эффективному использованию ресурсов, устранению ненужных затрат и пересмотру коммерческих элементов затрат на распределение. В результате достигаются такие экономические результаты, как увеличение прибыли и повышение эффективности используемых бизнес-процессов [10].

Разработка эффективной модели бизнес-процессов в компании также должна состоять из реально используемых и оцифрованных инструментов, к ним относятся:

- *Методы бережливого производства.* Данный инструмент основан на концепции управления бизнес-процессами в условиях убыточности, устранения ненужных затрат, что подтверждает применение ранее рассмотренного "фактора стоимости" и стремление руководителя улучшить деятельность компании, устранить выявленные «узкие места» и угрозы.

- *Автоматизация процессов (компьютерные технологии).*

Объяснение оцифровки для моделирования бизнес-процессов – это автоматизация определенных процессов с помощью компьютерных технологий, например, фирменного компьютерного программного обеспечения или компьютерных программ общего назначения, которые ускоряют процессы, снижают затраты и способствуют быстрому достижению требуемого результата.

- *Обучение персонала (управление знаниями).*

С появлением новых видов информации и знаний в результате цифровизации управление знаниями персонала является важным инструментом для моделирования бизнес-процессов предприятия. Знания могут быть получены

путем изучения процессов и обучения конкретным процессам, например, обучение персонала работе с новым программным обеспечением.

Этап 3 – Проектирование конечного результата моделирования бизнес-процессов. После замены определенных элементов бизнес-процесса необходимо провести тестирование. Если цели достигнуты, то результат достигнут, и наоборот. Следовательно, если организация изменит свои цели, то изменится и бизнес-процесс.

Шаг 4 – Оценить эффективность бизнес-процессов компании в цифровой среде. Для этого необходимо выбрать показатели, рассчитать и обобщить результаты, то есть оценить степень влияния цифровизации на бизнес-процессы компании.

Выводы

Эффект для управления бизнес-процессов в области современных цифровых технологий, создающих в результате модель. Следовательно, одним из инструментов развития бизнес-процессов служит моделирование.

Таким образом, методика моделирования бизнес-процессов предприятий с учетом цифровой трансформации представляет собой универсальный процесс изучения и оценки процессов с использованием соответствующих факторов и инструментов для достижения поставленных целей, создания конкурентной среды на рынке со стороны предприятий, соблюдения глобальных операционных стандартов, качества среды потребления в условиях современных рыночных тенденций.

Доказано, что деятельность в современных предприятиях основывается на построении, исследовании, оценке эффективности бизнес-процессов и коммуникации, кросс-функциональных взаимодействиях с внешними контрагентами. Автором была разработана методика моделирования управленческих решений при совершенствовании бизнес-процессов в условиях цифровой трансформации.

Список использованной литературы

1. Morgan, T., 2007. Business process modelling and ORM. Lecture Notes in Computer Science, 4805, 581.
2. Lindsay, A., Downs, D., and Lunn, K., 2003. Business processes—attempts to find a definition. Information and Software Technology, 45 (15), 1015–1019.
3. Malone, T., Crowston, K., and Herman, G., 2003. Organizing business knowledge: the MIT process handbook. Cambridge, MA: MIT Press.
4. Hammer, M. and Champy, J., 1993. Reengineering the corporation: a manifesto for business revolution. London: Brealey Publishing

5. Aguilar-Save'n, R.S., 2004. Business process modelling: review and framework. *International Journal of Production Economics*, 90 (2), 129–149.
6. Barjis, J., 2007. Automatic business process analysis and simulation based on DEMO. *Enterprise Information Systems*, 1 (4), 365–381.
7. Davenport, T.H., 1993. *Process innovation: reengineering work through information technology*. Boston, MA: Harvard Business School Press.
8. Ludewig, J., 2003. Models in software engineering – an introduction. *Software and Systems Modelling*, 2 (1), 5–14.
9. Curtis, B., Kellner, M.I., and Over, J., 1992. Process modelling. *Communications of the ACM*, 35 (9), 75–90.
10. Крухмалева А.В. Моделирование бизнес-процессов как фактор улучшения качества работы организации. *Инновация 2020: сборник материалов конференции*. Томск: 2020. 257-260 с.

AXBOROTLASHTIRISHDAN RAQAMLASHTIRISH SARI**Nuriddinov Oybek Muhammad o'g'li**

*“Elektron hukumat loyihalarini boshqarish markazi” Davlat muassasasi
bo'lim boshlig'i*

Shazimov Abror Begmatovich

*“Elektron hukumat loyihalarini boshqarish markazi” Davlat muassasasi
bo'lim boshlig'i*

Annotatsiya: Ushbu maqolada mamlakatimizda axborotlashtirishdan raqamlashtirishga o'tish jarayonlari tahlil qilingan. Raqamlashtirish va elektron hukumatni rivojlantirish bo'yicha amalga oshirilgan ishlar o'rganilgan, davlat boshqaruvi organlari hamda hududlarda amalga oshirilgan ishlar tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: *axborotlashtirish, raqamli iqtisodiyot, elektron hukumat, elektron davlat xizmatlari, BPR, yagona interaktiv davlat xizmatlari portali, yagona billing tizimi, ijtimoiy tarmoq.*

Аннотация: В данной статье анализируются процессы перехода от информатизации к цифровизации в нашей стране. Изучена проделанная работа по цифровизации и развитию электронного правительства и проанализирована работа, проводимая органами государственного управления и регионами.

Ключевые слова: *информатизация, цифровая экономика, электронное правительство, электронные государственные услуги, реинжиниринг бизнес процессов, единый интерактивный портал государственных услуг, единая биллинговая система, социальная сеть.*

Abstract: This article analyzes the processes of transition from informatization to digitization in our country. The work done on digitization and development of electronic government was studied and the work carried out by state administration bodies and regions was analyzed.

Key words: *informatization, digital economy, e-government, electronic government services, BPR, single interactive portal of government services, single billing system, social network.*

Kirish

Bugungi kunda raqamli texnologiyalar hayotimizga shunchalik singib ketdiki, hozirda nafaqat kundalik faoliyatimiz, balki ijtimoiy-iqtisodiy sohalar rivojini ham ularsiz tasavvur qilib bo'lmaydi.

Xususan, statistik ma'lumotlarga qaraganda bugungi kunda dunyo aholisi **8,01 mlrd.**ni tashkil etsa, **5,03 mlrd.** (66,8 %) aholi internet foydalanuvchilari xisoblanadi. O'z navbatida ular kuniga o'rtacha **6 soat 49 minut** vaqtlarini internet uchun sarflashi va uning **2 soat 29 minutini** ijtimoiy tarmoqlarida o'tkazishi aniqlangan.

O'z navbatida, har **1 daqiqa** davomida "YouTube" ijtimoiy tarmog'ida umumiy ko'rishlar soni **3,67 mln.**tani tashkil etsa, "instagram" tarmog'iga **66 ming ta** rasm va videolar va "twitter" tarmog'iga **575 mingta** tvitlar joylanadi [1].

Ushbu raqamlardan ham axborot texnologiyalari bugungi kundalik hayotimizning ajralmas qismiga aylanganligini ko'rish mumkin.

O'z navbatida, hozirgi davrda raqamli iqtisodiyot va u bilan bog'liq bo'lgan bir qancha samarador texnologiyalar hayotimizga shiddat bilan kirib kelmoqda va ushbu globallashuv jarayonida yurtimizda ham axborot texnologiyalari va elektron hukumatni rivojlantirish, bu orqali fuqarolarga qo'shimcha qulayliklar yaratish bo'yicha bir qator tizimli islohotlar amalga oshirilmoqda.

Shuning uchun ham uni qanday rivojlantirish masalalari jamiyat va halq oldida ko'ndalang bo'lib turibdi. Ushbu maqolada O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish strategiyasining ba'zi bir yo'nalishlari mualliflar nuqtai-nazaridan muhokama qilinadi.

Adabiyotlar tahlili va metodologiya

Avvalo shuni aytish kerakki, raqamli iqtisodiyot o'zaro bog'liq bo'lgan ishlab chiqarish va boshqaruv jarayonlarining zanjiridan iborat bo'lib, uning ajralmas elementi zanjirlararo (*insonlararo, mashinalararo, bulutlar orqali, data markazlararo*) raqamli texnologiyalar yordamida amalga oshiriladigan ma'lumot almashishdir [2]. Raqamli iqtisodiyotda raqamli ko'rinishdagi ma'lumotlar barcha ijtimoiy-iqtisodiy sohalardagi ishlab chiqarishning asosiy elementi hisoblanadi va bunday iqtisodiyot tizimiga bosqichma-bosqich o'tish mamlakatimizning global miqyosidagi raqobatdoshligini oshirib, fuqarolarning hayot sifatini oshiradi, yangi ish joylarini yaratadi, jadal iqtisodiy o'sishga imkon yaratadi va milliy mustaqillikni ham ta'minlab beradi. Ushbu raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish dasturi quyidagi maqsadlarni amalga oshirish uchun xizmat qilishi kerak [3]:

- O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotning ekotizimini yaratish;
- Mamlakat raqamli iqtisodiyot tizimining institutlari va infratuzilmasini yaratish;
- Respublikaning barcha tarmoqlarini qamrab oluvchi axborot jamiyati tashkil qilish uchun kerakli bo'lgan barcha chora-tadbirlarni amalga oshirish;
- Global miqyosida va global bozorlarga respublikamizning raqobatdoshligini oshirish.

Endi O'zbekiston Respublikasining 2004-yilda kuchga kirgan "Axborotlashtirish to'g'risida"gi Qonunini ko'rib chiqadigan bo'lsak, unga ko'ra, axborotlashtirish sohasidagi davlat siyosatining asosiy yo'nalishlari axborot resurslari, axborot texnologiyalari va axborot tizimlarini rivojlantirish hamda takomillashtirishning zamonaviy jahon tamoyillarini hisobga olgan holda milliy axborot tizimini yaratish;

davlat organlarining axborot tizimlari, tarmoq va hududiy axborot tizimlari, shuningdek, yuridik hamda jismoniy shaxslarning axborot tizimlari asosida O'zbekiston Respublikasining yagona axborot makonini yaratish;

davlat axborot resurslarini shakllantirish, axborot tizimlarini yaratish hamda rivojlantirish, ularning bir-biriga mosligini va o'zaro aloqada ishlashini ta'minlash;

axborot texnologiyalarining zamonaviy vositalari ishlab chiqarilishini tashkil etish hamda axborot resurslari, xizmatlari va axborot texnologiyalari bozorini shakllantirishga ko'maklashish;

dasturiy mahsulotlar ishlab chiqarish rivojlantirilishini rag'batlantirishga qaratilgan [4].

Shu o'rinda, iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha va davlat boshqaruvi tizimining jadal raqamli rivojlanishini ta'minlash, shu jumladan elektron davlat xizmatlarini ko'rsatish mexanizmlarini yanada takomillashtirish maqsadida axborotlashtirish va raqamlashtirish tushunchalarining mohiyatini ajratib olish zarur.

Axborotlashtirish – bu ko'p ma'noli atama bo'lib, ilg'or axborot texnologiyalari yordamida jamiyatda axborotdan foydalanish samaradorligini oshirish jarayonida [5], shuningdek, jamiyatning rivojlanishi va axborot jamiyatiga aylanishi jarayonida va postindustrial jamiyatning rivojlanishida asosiy omil hisoblanadi [6]. Shuningdek yuridik va jismoniy shaxslarning axborotga bo'lgan ehtiyojlarini qondirish uchun axborot resurslari, axborot texnologiyalari hamda axborot tizimlaridan foydalangan holda sharoit yaratishning tashkiliy ijtimoiy-iqtisodiy va ilmiy-texnikaviy jarayoni [7].

Raqamlashtirish esa - iqtisodiy faoliyat va davlat boshqaruvini avtomatlashtirish va axborot tizimlarini qo'llashning yangi bosqichi hisoblanadi. Raqamli texnologiyalarga o'tish jarayoni, uning asosida nafaqat ishlab chiqarish yoki axborot-texnologiyalari masalalarini hal qilish, balki ular yordamida vaziyatni prognozlash, jarayonlarni va xarajatlarni optimallashtirish, yangi kontragentlarni jalb qilish maqsadida katta ma'lumotlarni to'plash, ularga ishlov berish va tahlil qilish imkoniyatini yaratish mumkin.

Tahlil va natijalar

Yuqoridagilardan kelib chiqib, 20 yil avval boshlangan Axborotlashtirish jarayonlarining bugungi kunga kelib to'liq amaliyotga joriy etilganligini inobatga olish, qisqa va uzoq muddatli maqsadli ko'rsatkichlarni va rejalarni raqamlashtirishga,

ya'ni raqamli texnologiyalarni keng joriy etish, xususan hududlar va tarmoqlarni raqamli transformatsiya qilishga yo'naltirish choralarini ko'rish zarur.

O'z navbatida, ushbu jarayonlarni jadallashtirish bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktabrdagi "Raqamli O'zbekiston – 2030" strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6079-son Farmoni respublika iqtisodiyotini raqamli shaklga o'tkazishda strategik vazifalarni bajarishga qaratilgan dasturi amal bo'lib xizmat qilmoqda. Ushbu hujjat O'zbekiston Respublikasining raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni rivojlantirishning strategik maqsadlari, ustuvor yo'nalishlari hamda o'rta va uzoq muddatli istiqbolli vazifalarini belgilaydi, shuningdek, BMTning Barqaror rivojlanish maqsadlari va Elektron hukumatni rivojlantirish reytingida belgilangan ustuvor vazifalardan kelib chiqib, raqamli texnologiyalarni yanada keng joriy etish uchun asos bo'lib xizmat qilmoqda.

Xususan, bugungi kunga qadar davlat va xo'jalik boshqaruvi organlari hamda hududlarni raqamlashtirish bo'yicha **2 mingdan ortiq** loyihalar amaliyotga tatbiq etilgan bo'lib, ushbu loyihalar doirasida tadbirkorlar va fuqarolarga ko'plab qulayliklar yaratildi va bu o'z navbatida o'zining iqtisodiy samaradorligini ko'rsatdi [8].

Masalan, hududlarda **6 400 tadan ortiq** bog'chalar faoliyatiga "Bolalar bog'chasi" axborot tizimi joriy etilishi natijasida, bolalar davomati hamda xodimlarga oylik ish haqi va unga tenglashtirilgan to'lovlarni avtomatlashtirilgan tarzda hisoblash imkoniyati yaratildi. Buning natijasida, **20 mlrd.so'mgacha** ortiqcha subsidiya mablag'lari to'lanishi oldi olindi.

Davlat aktivlarini boshqarish agentligi tomonidan fuqarolarga doimiy egalik qilish, ijara yoki meros qilib qoldirish huquqi asosida tegishli bo'lgan yer **uchastkalarini xususiylashtirish elektron davlat xizmati** yo'lga qo'yilib, Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali (YaIDXP) orqali shu paytgacha **45 mingdan** ortiq arizalar qabul qilindi.

"Yonilg'i-moylash materiallarini qabul qilish va transport texnikasiga taqsimlash ob'ektlari uchun **yagona avtomatlashtirilgan axborot tizimi**"ni joriy etish orqali "Olmaliq KMK" AJda olib borilayotgan ish jarayonida foydalaniladigan transport texnikasi uchun ishlatiladigan yonilg'i-moylash materiallarining sarfi va ularga ketadigan xarajatlar nazorati raqamlashtirildi. Buning natijasida qog'oz sarfi **70 foizgacha** va taqsimlash uchun ketadigan vaqt sarfi **2 barobargacha** qisqartirildi.

Respublika bo'ylab xonadonlar haqidagi ma'lumotlar va hisob - kitoblarni monitoringini yurutuvchi "**Mening uyim**" billing tizimi ishga tushirildi. Respublika bo'yicha **1,3 mln. dan ortiq** iste'molchilar ma'lumotlari shakllantirilib, tizim orqali **290 mlrd. so'mdan ortiq** mablag' to'langan.

O'z navbatida, o'tgan yillar davomida davlat organlari faoliyatini avtomatlashtirish hamda fuqarolarga taqdim etiladigan davlat xizmatlarini elektron

ko‘rinishga o‘tkazish, davlat xizmatlarini BPR (Business process reengineering) qilish bo‘yicha quyidagi maqsadli ko‘rsatkichlarga erishildi:

Xususan, hozirgi kunda aholi va tadbirkorlik subyektlariga Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali (*my.gov.uz*) orqali **400 ga yaqin** elektron davlat xizmatlari taqdim etib kelinmoqda.

Ushbu xizmatlar bo‘yicha 2021-yilda **5 mln. ga** yaqin ariza kelib tushgan bo‘lsa, 2022-yilda ushbu ko‘rsatkich **10 mln.** tani va o‘sish darajasi 2 barobarni tashkil etgan.

Bundan tashqari, “**my.gov.uz**” foydalanuvchilari **4 mln. dan** oshdi;

2022-yilda “**my.gov.uz**” da bir qator ommabop elektron davlat xizmatlari joriy etildi:

- Avtotransport vositalari oynalarining tusini o‘zgartirishga (qoraytirish) ruxsatnoma olish;

- Chet tilini bilish darajasini aniqlash;

- Doimiy foydalanish (egalik qilish), ijara va meros qilib qoldiriladigan yer uchastkalarini xususiylashtirish;

- Ko‘chmas mulk buzilishga tushgan yoki tushmaganligi to‘g‘risida ma‘lumotnoma berish;

- O‘rta ta‘lim to‘g‘risida shahodatnomaning dublikatni berish va boshqalar.

2017-2022 yillar oralig‘ida, **my.gov.uz** va davlat xizmatlari markazlari orqali ko‘rsatiladigan davlat xizmatlarini ko‘rsatish, ularni soddalashtirish bo‘yicha Vazirlar Mahkamasining **100 dan ortiq** qarorlari qabul qilindi.

Bundan tashqari, **2019-yilda** Android hamda iOS operatsion tizimlari uchun “**my.gov.uz**” ning mobil ilovasi ishga tushirilgan bo‘lib, hozirgi kunda ilovada **173 ta** elektron xizmatlar joylashtirilgan.

Shuningdek, elektron to‘lovlarni amalga oshirish va davlat xizmatlari uchun to‘langan barcha to‘lovlarning yagona hisobini yuritish maqsadida **2017-yilda Yagona billing tizimi** joriy etildi va bank kassalari, elektron to‘lov tizimlari va Internet-banking orqali davlat xizmatlarini ko‘rsatish uchun to‘lanadigan davlat to‘lovlari va yig‘imlar miqdorlarini qayd etish imkoniyati yaratildi. Ayni paytda Yagona billing tizimida umumiy qiymati **10 trln.** so‘mdan ortiq bo‘lgan **tranzaksiyalar** shaffofligi ta‘minlanib, barcha davlat xizmatlari markazlari, **my.gov.uz**, biznesni ro‘yxatga olish tizimida ko‘rsatiladigan barcha xizmatlar, notarius, fuqarolik va boshqa turdagi **360 dan** ortiq xizmatlar tizimga ulangan.

Shu bilan birga, tijorat tashkilotlari va xo‘jalik yurituvchi subyektlar tomonidan fuqarolarga o‘z tijorat xizmatlarini ko‘rsatish doirasida “Elektron hukumat”ning raqamli ma‘lumotlar platformasi orqali davlat organlarining axborot tizimlari va ma‘lumotlar bazalari bilan o‘zaro elektron hamkorlik qilish amaliyoti yo‘lga qo‘yildi. Buning natijasida, ko‘chmas mulk, avtotransport, jismoniy va yuridik shaxslar

to'g'risidagi hamda boshqa turdagi zarur ma'lumotlarni tezkor qayta ishlash va fuqarolarga sifatli xizmat ko'rsatish imkoniyati yaratildi.

Toshkent viloyatida "Elektron hukumat tizimini ma'lumotlarini saqlash va qayta ishlash yagona markazi" ishga tushirildi. Shuni alohida ta'kidlash lozimki, ma'lumotlarni qayta ishlash markazi "Uptime Instute"ning TIER III sertifikatiga ega.

Buning natijasida, davlat idoralarining o'z axborot tizimlarini saqlash uchun xarid qiladigan server qurilmalari va texnik qo'llab-quvvatlashga sarflaydigan harajatlarini tejash, fuqarolarga ko'rsatilayotgan elektron xizmatlarning uzluksizligi va sifatini yaxshilash hamda axborot xavfsizligi va kiber xurujlardan ishonchli himoya qilish imkoniyatlari yaratildi.

Yurtimizda, elektron hukumatni rivojlantirish bo'yicha amalga oshirilayotgan ushbu islohotlar natijasida Birlashgan Millatlar Tashkilotining Elektron hukumatning (E-government Survey)ning navbatdagi reytingida O'zbekiston **193 ta** davlat orasida **69-o'rinni** egallab, **18 pog'onaga** ko'tarildi.

Shuningdek, jahon bankining "GovTech Maturity Index" natijalariga ko'ra, O'zbekiston joriy yilda hukumat va davlat xizmatlari sektori bo'yicha – **37 pog'ona** yuqorilab **43-o'rinni**, raqamli ko'nikmalar va davlat xizmatlaridagi innovatsiyalar bo'yicha **65 pog'ona** yuqorilab **4-o'rinni** egalladi.

O'zbekistonning elektron hukumat reytingida ijobiy natijalarga erishishi mamlakatimizda "Raqamli O'zbekiston – 2030" davlat dasturi doirasida keng qamrovli ishlar amalga oshirilgani bilan chambarchas bog'liq xisoblanadi.

Shu bilan birga, yuqoridagi ishlarning mantiqiy davomi sifatida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022-2023 yillarda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasini yangi bosqichga olib chiqish chora-tadbirlari to'g'risida" 2022-yil 22-avgustdagi PQ-357-son qarori qabul qilinib, unda tarmoqlar va hududlarda raqamli transformatsiya qilish jarayonlarini davom ettirishga qaratilgan **550 dan ortiq** ustuvor loyihalar tasdiqlangan.

Xulosa

Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish O'zbekiston Respublikasi uchun ham uning dunyo miqyosidagi raqobatbardoshligini belgilab beradigan strategik ahamiyatga molik masalalardan biri hisoblanadi. Bu esa davlatimizga raqamli iqtisodiyotning rivojlanishini uchun shart-sharoitlar yaratish, uni eng kerakli sohalarga yo'naltirish va bu jarayonni imkoniyat darajasida rag'batlantirish zarurligi belgilaydi. Milliy iqtisodiyotimizning yana bir muhim ajralib turadigan jihati shundaki, YIM asosiy qismi davlat tashkilotlari (yoki davlat ishtiroki ulushi katta bo'lgan tashkiltolar) tomonidan yaratiladi. Bunday sharoitlarda davlat tashkilotlari rahbarligi ostida industrial raqamli platformalar yaratish eng oqilona qadam hisoblanadi. Bunday platformalar raqamli iqtisodiyotning tez rivojlanishi va unga mos keluvchi

texnologiyalarning keng tarqalishi uchun zarur infratuzilma bazisini yaratadi. Fikrimizcha, raqamli iqtisodiyot platformalari tuzishda asosiy e'tiborni quyidagi yo'nalishlarga qaratish zarur: energetika, transport, sog'likni saqlash, soliq va soliqqa tortish, dori-darmonlar logistikasi, suv resurlaridan samarali foydalanish, turizm, tashqi iqtisodiy faoliyat, ko'chmas mulk savdosi va ushbu yo'nalishlardagi elektron davlat xizmatlari ulushi. Aynan shu sohalarining rivojlanishi kerakli infratuzilma va mos texnologik bazis yaratishga imkon beradi.

O'z navbatida, raqamli iqtisodiyotning boshqa yo'nalishlari, shu jumladan, big data, sun'iy intellekt, blokcheyn va bulutli texnologiyalar ham kelajak iqtisodiyotida va korporativ boshqaruvda hal qiluvchi ahamiyat kasb etishini hayotning rivojlanish tendentsiyalari yaqqol ko'rsatib turibdi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1. "Dataportal" internet portali ma'lumotlari.
2. Gulyamov S.S va boshqalar, Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. T.: "Iqtisod Moliya" nashriyotida, 2019. 396 bet.
3. Ayupov R.X, Baltayeca G.R. Raqamli valyutalar bozori: innovatsiyalar va rivojlanish istiqbollari. -T: "Fan va texnologiya" nashriyoti, 2018, 172 bet.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.Karimov, Toshkent sh., 2003-yil 11-dekabr, 560-II-son, O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi qoshidagi "Adolat" milliy huquqiy axborot markazi davlat muassasasi, Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi.
5. Светлана Гасумова Информационные технологии в социальной сфере. Учебник и практикум для СПО; Litres, 2020; ISBN 5042322566, ISBN 9785042322563.
6. Rogers, Everett M. (2000). "Informatization, globalization, and privatization in the new millennium". The Asian Journal of Communication. 10 (2): 71-92.
7. Axborotlashtirish nima? URL: <https://advice.uz/oz/document/2452>.
8. "Elektron hukumat loyihalarini boshqarish markazi" Davlat muassasasi hisobotlari.

RAQAMLI TRANSFORMATIYA JARAYONIDA CHAKANA BANK XIZMATLARINI RIVOJLANTIRISHNING ILG'OR XORIJ TAJRIBASI

Mamadiyarov Zokir Toshtemirovich

*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Bank ishi va investitsiyalar kafedrası
professori, iqtisodiyot fanlari doktori*

Asqarov Sarvar Anvar o'g'li

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti tayanch doktoranti

Annotatsiya: Maqolada chakana bank xizmatlarini raqamli transformatsiya qilish, raqamli banklarda xizmat ko'rsatish kanallari, chakana kredit turlari va hajmi bo'yicha statistik ma'lumotlar tahlili hamda chakana bank xizmatlarini rivojlantirishning rivojlangan davlatlar tajribasi yoritilgan. Ilmiy maqolani tayyorlash jarayonida ma'lumotlarni qiyoslash, ma'lumotlarni guruhlash, ekspert baholash usullaridan unumli foydalanildi hamda raqamli transformatsiya jarayonida chakana bank xizmatlarini rivojlantirish bo'yicha mualliflar xulosa va takliflari keltirilgan.

Kalit so'zlar: *bank filiallari, 24/7 smart ofislar, veb-saytlar, mobil ilova, FinTech, chakana bank xizmatlari, chakana kredit.*

Аннотация: В статье освещены цифровая трансформация розничных банковских услуг, каналы обслуживания в цифровых банках, анализ статистических данных о видах и объемах розничных кредитов, а также опыт развитых стран в развитии розничных банковских услуг. В процессе подготовки научной статьи были эффективно использованы методы сравнения данных, группировки данных и экспертной оценки, а также представлены выводы и предложения авторов по развитию розничного банковского обслуживания в процессе цифровой трансформации.

Ключевые слова: *филиала банка, 24/7 смарт-офисы, веб-сайты, мобильное приложение, FinTech, розничные банковские услуги, розничный кредит.*

Abstract: The article covers the digital transformation of retail banking services, service channels in digital banks, analysis of statistical data on the types and volume of retail loans, and the experience of developed countries in the development of retail banking services. In the process of preparing the scientific article, the methods of data comparison, data grouping, and expert evaluation were effectively used, and the authors' conclusions and suggestions on the development of retail banking services in the process of digital transformation were presented.

Key words: *bank branches, 24/7 smart offices, websites, mobile app, FinTech, retail banking, retail credit.*

Kirish

Jahonda so‘nggi yillarda bank sanoati yangi texnologiyalar, mahsulotlar va hamkorliklar bilan takomillashtirilgan raqamli bank tajribasini mijozlariga taqdim etmoqda. Bank sanoati raqamli transformatsiya imkoniyatlari va noaniq iqtisodiy voqeliklarga yechim topishga ko‘plab investitsiyalar kiritmoqda. Garchi bank sanoati muqobil raqamli bank provayderlari bilan raqobatlashish va tobora talabchan iste‘molchi ehtiyojlarini qondirish uchun nima kerakligini tushunayotgandek tuyulsa-da, to‘lig‘icha bank xizmatlarini raqamlashtirishdan cho‘chimoqda. Ko‘pincha an‘anaviy banklar xavfdan qo‘rqish yoki xarajatlarni kamaytirishga xizmat qiladigan raqamli bank xizmatlarni joriy qilishda suskashliklarga yo‘l qo‘ymoqda. Tarixan, banklar qamrov va brend kuchini kengaytirish uchun filiallar tarmog‘ini kengaytirish orqali amalga oshirmoqda. Biroq, pandemiya davrida kontaktsiz xizmatlarga talabning oshganligi sababli raqamli xizmat ko‘rsatish eksponent ravishda oshdi va raqamli FinTech firmalar mijozlar va bank xodimlariga qulaylik va xavfsizlikni taklif qilish orqali yuqoriga ko‘tarildi.

Avvallari tijorat banklari asosan, muhim mijoz sifatida qaragan yuridik shaxslarga korporativ xizmatlar ko‘rsatishga yo‘naltirilgan edi. Bugungi kunda esa banklar korporativ xizmatlar bozorida ancha to‘yingan. Chakana bank xizmatlarini ko‘rsatish bozori esa, shakllanish jarayonida bo‘lib, mutaxassislarning fikricha bu bozor katta o‘shish salohiyatiga ega, zero, statistik ma‘lumotlarga ko‘ra, aholining 50-60% foizi bank xizmatlaridan deyarli foydalanmaydilar. Bizning fikrimizcha, chakana bank xizmatlarini rivojlantirishda chakana banking¹ tizimi rivojlangan yetakchi davlatlar tajribasidan foydalanish lozim.

Mavzu yuzasidan adabiyotlar tahlili

Turli sanoat tarmoqlari mahsulotlarni sotish uchun turli-tuman strategiya va yondashuvlarini ishlab chiqqan bo‘lishiga qaramay, mahsulotlarni sotishda shaxsiy yondashuvning ahamiyati hali ham yuqori bo‘lib qolmoqda. Shubhasiz, mahsulotlarni sotishda shaxsiy yondashuv ikki tomonlama aloqani talab qiladi, bu banklar misolida boshqa shaxsni ishontirishga tegishli choralarni ko‘rishga qaratilgan shaxsiy yondashuv o‘z ichiga oladi [1]. Mahsulotlarni sotishdan keyingi mamnunlikni e‘tiborsiz qoldirib bo‘lmaydi. U har doim uzoq va foydali munosabatlarni o‘rnatish uchun asos bo‘lib xizmat qiladi [2].

Mahsulotlarni sotishda shaxsiy yondashuvni qo‘llab-quvvatlashda

¹ *Розничный банкинг* — это спектр банковских услуг, которые позволяют клиенту управлять его денежными средствами дистанционно при помощи различных информационных технологий.

marketingning ahamiyati iste'molchilarni xizmatlardan qoniqishi va idrokini aniqlaydigan parametrlarga bog'liq [3]. Ko'pgina xalqaro banklar ham marketing xizmati bilan ham bank mahsulotlarini oson sotish yo'li yo'qligini ko'rish mumkin. Chunki standartlashtirish har doim turli xil me'yoriy doiralarda, madaniyatlar, tillar va ijtimoiy tushunchalarga bo'ysunadi.

Banklar tomonidan ishlab chiqarilgan xizmatlar, albatta, daromadga yo'naltirilgan, ammo bir vaqtning o'zida mijozlar talabidan kelib chiqib xizmatlar ko'rsatish kerak. 1970-yillardan boshlab, banklar tomonidan mijozlar talablarini qondirish uchun bank texnologiyalari va dasturiy ta'minotlar ishlab chiqarish keng ommalashdi.

Dastavval, chakana bank xizmati yoki "retail" so'zining ma'nosi anglashdan boshlasak. "retail" so'zi ko'pgina xorijiy tillarda turlicha talqin etiladi. "Retailing" termini ingliz tilida "chakana savdo" ma'nosini anglatrsa, "retailer" so'zi fransuz tilida "biron-bir narsani bo'laklarga bo'lish" degan ma'noni bildiradi [4]. Ya'ni iqtisodchi olim D.Gilbertning fikricha, chakana savdo bilan shug'ullanuvchi shaxs yirik hajmdagi tovarlarni olib ularni "individual iste'molchilarga sotish maqsadida kichik miqdorlarga taqsimlaydi" [5]. Bu bilan chakana savdoni ko'p marta takrorlanadigan mayda savdo sifatida tasniflaydi. Shu bilan tovar va xizmatlarning chakana savdosi yakuniy iste'molchilar uchun mo'ljallangan deb ifodalaydi [5].

Tahlil va natijalar

Aksariyat banklarda strukturaviy qiyinchiliklar mijozlarni jalb qilish va ular bilan munosabatlarni rivojlantirish uchun raqamli ma'lumotlarga asoslangan tahlillarni talab etadi. Capgemini Research Institute for Financial Services Analysis so'rovnomasiga asosan eski tizimlar va eskirgan asosiy bank modullari ma'lumotlar va mijozlarga yo'naltirilgan o'sish strategiyalarini optimallashtirish harakatlariga 95% to'sqinlik qilishga ta'siri, ma'lumotlarning kam raqamlashganligi esa mijozlarning hayotdagi ishlarini yaxshilashga 80% xalaqit berishi ma'lum bo'ldi.

Banklar katta va xilma-xil miqdordagi mijozlar ma'lumotlariga ega "Big Data", moliyaviy ma'lumotlar, ijtimoiy media ma'lumotlar, turmush tarzi ma'lumotlar, xulq-atvor ma'lumotlar va boshqa ma'lumotlarni birlashtiradigan ma'lumotlar bazasini yaratishga FinTech rahbarlarining 73 foizi xohish bildirgan. Ularning 80 foizi ma'lumotlarning ishonchliligidan tashvishlangan, 70 foizi esa ma'lumotlar yetishmasligini aytgan, 43 foizi ma'lumotlarning o'chib ketishidan tashvishda ekanligi ma'lum bo'ldi.

2023 yilda jahonda kuzatilishi kutilgan 5 ta chakana bank tendentsiyalariga to'xtaladigan bo'lsak:

sanoat dinamikasidagi o'zgarishlar banklarni raqamli transformatsiya qilish

orqali innovatsion bank xizmatlari orqali mijozlarga qulayliklar yaratish va chakana bank xizmatlari imkoniyatlarini kuchaytirish maqsadida zamonaviy FinTech sotib olishga intilmoqda;

banklar mijozlari bilan yangi qadriyatlarni yaratish va faollashtirish uchun chakana bank xizmatlarini “yashil”² va barqaror amaliyotlarini boshqaradigan va moliyaviy sog‘lomlashtirish va mijozlari xarajatlari bilan bog‘liq muammolarni hal qilish bo‘yicha maslahatlar berish.

banklar mijozlarga yo‘naltirilganlik marketing strategiyasiga asosan mijozlarni jalb qilishni yaxshilash uchun mijozlar tajribasini o‘rganish;

biznesning barqarorligini Digital ID ning universal, ko‘p maqsadli identifikatsiya tizimiga aylanishi va banklar ma‘lumotlarni bulutli texnologiyalarga ko‘chirishni o‘rganish.

chakana banklarning yuqori xavfli markazlashmagan moliya bozorini barqarorlashtirishdagi yangi yo‘nalishlarini o‘rganish.

Quyida chakana banklar va chakana bank xizmatlari rivojlanishining ko‘plab yo‘nalishlarini ko‘rib chiqamiz. Birinchisi, aqlli bank filiallarda tajribali bank xizmatlari va mijozlar bilan aloqani kuchaytirish bilan bog‘liq bank faoliyatidir.

Yevropa Markaziy banki ma‘lumotlariga ko‘ra, 2022 yilning 1-yarmida Evropa banklarining cost income ratio (CIR) 60% dan yuqori bo‘lgan. Shu bilan birga, AQShning yirik banklari J.P.Morgan, Citibank, Morgan Stanli, Goldman Sachs va Uells Fargo kabi banklarida ham bu ko‘rsatkich yuqori bo‘lgan. Banklar har bir dollar daromad keltirishi uchun kamroq sarflashga harakat qiladi. Banklar uchun filiallar ochish va ular orqali faoliyat yuritish eng qimmat xarajatlari qatoriga kiradi. Nasdaq hisobotiga ko‘ra, to‘liq bank xizmatlarini ko‘rsatuvchi filial (erdan tashqari) ochish AQShda 15 million AQSh dollaridan ko‘proqni tashkil qilishi mumkin. Natijada ko‘pchilik banklarni sindirishi yoki ko‘p daromad manbiga aylantirishi mumkin [6]. Evropa va AQSh da ishchi kuchi xarajatlarining ortishi natijasida filiallar banklar uchun qimmatga tusha boshladi. Bundan tashqari, naqd pullarni filiallararo va boshqa xizmatlar uchun to‘lovlardan olib tashlandi.

Garchi raqamli banklar ko‘payib borayotgan bo‘lsa-da bank mijozlari uchun hali ham filiallar ahamiyatlidir. “World Retail Banking Report 2022” hisobotiga ko‘ra bank mijozlarining 75 foizi bank filiallar mijozlarga xizmat ko‘rsatishda muhim kanal deb hisoblashadi.

Bugungi kunda bank mijozlari keng ko‘lamli aloqa kanallar, bank filiallari, 24/7 smart ofislar, veb-saytlar va mobil ilovalardan tortib ovozli yordamchilar va

² Bank xizmatlarining ekologik jihatdan mas‘uliyatli bo‘lishi va resurslarni tejaydigan tuzilmalari.

robotlargacha bo'lgan bank xizmatlaridan foydalanishmoqda. Shunga qaramay, mijozlarning deyarli yarmi o'z banklari bilan o'zaro aloqadan kelishmovchiliklarga duch kelishlarini aytishadi. Veb-saytlar, mobil ilovalar, ovozli yordamchilar va raqamli boshqa qurilmalar bugungi kunda qaramli iqtisodiyotda ahamiyatli bo'lsa-da, filiallar ko'pincha bosh bankdan uzoqlarda bo'lib strategik jihatdan ishlab chiqilgan aqlli filiallar mijozlariga keng qamrovli ko'p kanalli tajribasini taklif qilishi mumkin.

Bank va mijozlari munosabatlarni boshqaruvchi integratsiyalashgan platformalarni o'z ichiga olgan filiallar mijozlarga tezkor xizmat ko'rsatish va tizimlashtirilgan xizmat turlarini taqdim etish uchun boshqa raqamli kanallar va back-ofis operatsiyalari bilan sinxronlasha oladi. Natijada mijozlarga xizmat ko'rsatishni tezlashtirish va yangi mahsulotlar ishlab chiqishga asos bo'lishi mumkin, bu esa banklarning xizmatlar sotuvini yaxshilashi mumkin.

Bu borada BBVA, Bank of Montreal (BMO) va Capital One so'nggi besh yillikda aqlli filial formatlarini ishga tushirdi va mijozlar bilan bog'lanish uchun yangi interfaol maydon yaratib, tajriba markazlari vazifasini bajaradi. Capital One banki 2015-yilda o'zining birinchi aqlli filiali "Banking Café"ni ishga tushirdi va 2022-yilga kelib bank aqlli filiallari 50 taga yetdi [7]. Bu kabi "Banking Café"lar Wi-Fi, chegirmali taomlar, bo'sh ish o'rinlari, moliyaviy maslahatlar va boshqa qo'shimcha xizmatlar taklif etadi.


Filippinning "Filippin UnionBanki" mamlakatdagi birinchi to'liq raqamli bank filialini ishga tushirdi, u yerda bank mijozlari internetga tekin kirishlari yoki bir chashka qahva ustida xodimlar bilan suhbatlashishlari mumkin. Bank o'z filiallarini tranzaktsion makondan interaktiv makonga aylantirishni maqsad qilgan [8].

2021-yilda Italiyada Banca Carige banki uchta smart filialini ishga tushirdi. Banca Carige banking aqlli filiallarida 24/7 o'z-o'ziga xizmat ko'rsatish imkoniyatlari, yordamchi xizmatlar, qo'shimcha qiymatli xizmatlar uchun o'z-o'ziga xizmat ko'rsatish zonasi, videokonferensiya va boshqa vositalardan foydalanish uchun joy mavjud. Natijada, smart filial formati bankning operatsion xarajatlarini 40% ga kamaytirishga yordam berdi [9].

"Bank of America" banki mijozlarning o'zgaruvchan talablarini qondirish uchun filial tarmog'ining 50 foizini qayta loyihalashtirmoqda. JPMorgan Chase AQSh aholisining qariyb 93 foizini qamrab olish uchun 400 ta jamoat markazi filiallarini ochishni rejalashtirmoqda [10].

Banklar mijozlari talabini o'rgangan holda ko'p kanalli tajribalarini hisobga olgan holda filiallarini tranzaktsiya markazlaridan innovatsiyalar asosida tajriba markazlariga aylantirish tendentsiyalari davom etmoqda. Raqamli transformatsiya qilaingan filiallarda xarajatlarni tejash va bank xizmatlarini ko'proq sotish, samaradorlikni oshirish uchun soddalashtirilgan sxemalar, ko'proq raqamli va o'z-

o‘ziga xizmat ko‘rsatish vositalari bilan jihozlangan bo‘ladi.



1-rasm. Banklarning “5C” aqlli filial tajribasi

Manba: Internet ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tuzildi.

Ikkinchi yo‘nalish esa bank rentabelligini oshirish uchun yetuk Fintechlarni joriy qilishdir. FinTech narxlarining pasayishi banklar uchun ularni xarid qilish va ular bilan hamkorlik qilishga intilmoqda.

So‘nggi vaqtlarda vechur kapitalining kamayishi FinTech firmalari uchun qiyinchiliklar tug‘dirmoqda. Natijada, raqobatchilar va raqamli banklar asosiy bozorlardan chiqib ketishdi, investorlar esa umidsizlikka tushishdi [11]. So‘ngi o‘n yil ichida startaplar 1,3 trillion dollar mablag‘ga oshdi. Biroq, 2022 yilning 1-choragida iste’molchi moliyasi va FinTechs moliyaviy xizmatlariga vechur kapitallari mos ravishda deyarli 41% va 73% ga kamaydi [12].


2018-2021 yillar FinTechs banklarni raqamli imkoniyatlarini oshirishga majbur qildi. Natijada, an’anaviy banklar FinTechs kabi xizmatlarni taklif qilish uchun bank xizmatlarining raqamli transformatsiyaga sarmoya kiritdi. Italiyaning Intesa Sanpaolo banki IT infratuzilmasi uchun 1-1,5 milliard yevro ajratdi. HSBC, J.P. Morgan, Bank of America, Morgan Stanley va Royal Bank of Canada banklari ham raqobatbardoshlaridan ustunlikka erishish uchun muhim raqamli transformatsiyalarni amalga oshirdi. Truist Financial shirkati Shimoliy Karolinada 100000 kvadrat metr maydonga ega, zamonaviy AQSh innovatsiyalar va texnologiyalar markazini qurdi. Torontoning TD Banki yangi g‘oyalarni sinab ko‘rish uchun Filadelfiyada TD seminarini ishga tushirdi.

FinTechs baholari pasaygan sari, banklar o‘zlarining joriy va uzoq muddatli istiqbollari mos keladigan yangi biznes modellari, xizmatlari yoki imkoniyatlarini


muntazam ravishda rivojlantirish uchun FinTech qo‘shilishlari, sotib olishlari va hamkorliklarini strategik rejalashtirishlari lozim.

Bank rahbarlari, xodimlari va mijozlari xizmat ko‘rsatish va xizmatlardan foydalanishda turli kanallarni xohlashadi. Capgemini Research Institute for Financial Services Analysisning 2022 yildagi so‘rovnomasiga ko‘ra bank rahbarlari, xodimlari va mijozlarining qariyb 80 foizi veb-saytni o‘zaro aloqaning muhim nuqtasi sifatida hisoblamogda. Mobil ilovalarni bank mijozlarining 77 foizi, bank rahbarlari va xodimlarining 91 foizi, bank filiallari esa mijozlari tomonidan 75 foizga bank rahbarlari va xodimlari tomonidan 58 foizga xizmat ko‘rsatishda muhim kanal deb hisoblashgan (2-rsam).

AN‘ANAVIY BANKLAR



RIVOJLANAYOTGAN RAQAMLI BANKLAR



2-rasm. Hozirgi vaqtdagi an‘anaviy banklar va rivojlanayotgan raqamli banklarda xizmat ko‘rsatish kanallari [13]

Rivojlanayotgan raqamli banklarda ijtimoiy tarmoqlar, ovozli yordamchilar va taqiladigan buyumlar kelajakda bank xizmatlaridan foydalanishda muhim kanallardan bo‘lishi bank mijozlari tomonidan bank rahbarlari va xodimlariga nisbatan yuqori baholanmoqda.

So‘nggi vaqtlarda chakana banklarga ko‘plab investitsiyalar jalb qilinmoqda. Ispaniyaning BBVA banki Braziliyaning Neon bankiga 300 million dollar sarmoya kiritdi. Shuningdek, BBVA banki raqamli bank xizmatlarni tezlashtirish uchun Buyuk Britaniyadagi Atom Bank va Germaniyadagi Solarisbankga sarmoya kiritdi. Bundan tashqari, AQShning Truist bank xolding kompaniyasi o‘zining VC kompaniyasi Truist Ventures orqali to‘lov tarmog‘i startapi bo‘lgan Veem kabi FinTechsga sarmoya kiritadi [14].

Undan tashqari Lloyds Bank chakana bank mijozlariga sodiqlik dasturlarini

taklif qilish uchun FinTech Bink bilan strategik hamkorlikka kirishdi. Fransiyaning BNP Paribas banki SuperTech va Bruntwood SciTech bilan hamkorlik qilib, FinTech startaplarini tez kuzatib borish uchun inkubator yaratdi [15].

Bugungi kunda banklar, shuningdek, yashil bank faoliyatini kuchaytirish uchun FinTechs bilan hamkorliklarni yo‘lga qo‘yishmoqda. Xususan, Yevropada 90 dan ortiq faol yashil FinTechlar faoliyat ko‘rsatmoqda [16].

Moliyaviy zanjirida banklar BaaS³ platformasiga kirish uchun FinTech ga bog‘liq bo‘lgan xizmat ko‘rsatuvchi provayderlar va FinTech yoki bank bo‘lmagan firmalar hisoblanadi. Agar FinTech yoki bank bo‘lmagan firmalar uchinchi tomonlar moliyasini boshqarishda o‘z platformasidan foydalansa, qiymat zanjirida yanada risk oshishi mumkin. Lekin banklar uzoq sheriklik zanjiridan kelib chiqadigan risklarni boshqarish uchun javobgardir. Jupiter Intelligence hisob-kitoblariga asosan 2027 yilga kelib BaaS daromadi 27 milliard dollarga oshishi kutilmoqda, bu esa 2022 yildagi 11 milliard dollarga nisbatan 240 foizga oshishi prognoz qilindi [17]. Shu sababli, banklarning ichki BaaS imkoniyatlarini yaratish orqali o‘rnatilgan moliya bozoriga tobora ko‘proq kirib borishi banklar uchun yanada manfaatli bo‘ladi.

Amaldagi banklar uchinchi tamon taqdim etgan ma‘lumotlarga tayanishga majbur. Biroq, bulutli texnologiyalarning o‘sishi va ma‘lumotlar bazasining yaxshilanishi banklarga ichki platforma yaratishga yordam beradi.

COVID-19 bank mijozlarining jismoniy kanallardan raqamli kanallarga o‘tishini tezlashtirdi va raqamli bank xizmatlarini rivojlantirishga turtki bo‘ldi. Butun dunyo bo‘ylab bankka ega bo‘lmagan jamoalar moliyaviy ekotizimdan chetda qolmoqda, chunki ularning ro‘yxatdan o‘tgan identifikatori yo‘q. Natijada raqamli dunyo mavjud bo‘lmaydi va bank xizmatlaridan foydalanish imkoniyati bo‘lmaydi. Jahon banki ma‘lumotlariga ko‘ra, 2021-yilda 1,4 milliard odamlar banksiz bo‘lgan [18]. Ushbu muammoni bartaraf etish hukumatlar va banklardan fuqarolarga raqamli identifikatorlar bilan ta‘minlaydigan identifikatsiya tizimini hamkorlikda yaratishni talab qiladi. Shu o‘rinda ma‘lumotlar maxfiyligi va xavfsizligini ta‘minlagan holda masofadan turib yuqori darajadagi aniqlik bilan tekshirilishi va autentifikatsiya qilinishi lozim.

So‘nggi yillarda raqamli banking barqaror ravishda o‘sib bormoqda. Ko‘pchilik amerikaliklar 2022 yilda raqamli bank xizmatlaridan foydalangan xususan mobil ilovalar, avtomatlashtirilgan xizmatlar va boshqa innovatsion raqamli xizmatlar. Raqamli bankingning rivojlanishi so‘nggi to‘rt yil ichida butun mamlakat bo‘ylab an‘anaviy banklarning 9 foiz filiallarning qisqarishiga olib keldi. An‘anaviy banklar

³ BaaS (banking-as-a-service) - bank kartalari, depozit, kredit olish va boshqa shu kabi moliyaviy xizmatlarni bevosita o‘z mahsulotiga integratsiyalashtirilgan qulay platforma.

xizmatlarini asosan filiallarda amalga oshirsa, raqamli banklar onlayn va mobil ilovalar orqali amalga oshirmoqda. Bu esa raqamli banklarga ko‘pincha jozibador daromad va nisbatan kam foizli bank xizmat xaqqlarini ta‘minlaydi. Bugungi kunda AQSh aholisining deyarli uchdan ikki qismi (65,3 foiz) raqamli bank xizmatlaridan foydalanadi. Lekin shunga qaramasdan 2018-yildan buyon raqamli bank xizmatlaridan foydalanuvchilarning soni 4 foizga oshdi. Ya‘ni onlayn yoki mobil bankingni afzal ko‘rganlarning 79,9 foizi 2019 yilda ham filialga tashrif buyurgan. Amerikaliklarning taxminan 27 foizi faqat onlayn-bankingdan foydalanadi. Onlayn-bankingdan foydalanadiganlarning 88 foizi bank xizmatlaridan qoniqishini bildirgan. Shu bilan birga, bank mijozlarining 66 foizi an‘anaviy banklardan qoniqish hosil qilishgan.

Bugungi kunda AQShda chakana bank xizmat turlari ichida mobil banking keskin rivojlanmoqda. Banklar tomonidan NFC (Near Field Communication, «yaqin masofadagi aloqa») – simsiz texnologiyasi va RFID – radiochastotali identifikasiyalash texnologiyasi ham keng qo‘llanilmoqdi. Mazkur texnologiyalar, yuqori chastotali diapazonda qisqa masofaga o‘zaro induksiya prinsipi asosida radiokanalga axborot yuborishdan foydalanishga asoslangan. NFC – bir-biriga mos mobilniklardan bankomatlarda ishlatiladigan bank kartochkasi sifatida foydalanish mumkin. Foydalanuvchi shaxs telefonini bankomat yaqiniga qo‘yganida, u telefon egasining shaxsini indentifikasiya qilib, himoyalangan axborotni shundoq mobilnikning o‘zidan o‘qib oladi. Bu axborot o‘z ichiga: bank hisob raqamini, oldindan naqd pul yechib olish uchun belgilangan sutkali limitni hamda turli banklar uchun zarur bo‘lgan boshqa turli xil ma‘lumotlarni olgan bo‘ladi. Mijoz o‘z PIN-kodini kiritgandan so‘ng, u oddiy tartibda bank hisobidagi pullarini ko‘rish imkoniyatiga ega bo‘ladi. NFC-telefonlaridan foydalanishning asosiy qulayligi shundaki, ular bir nechta bank kartochkalaridagi ma‘lumotlarni saqlashi mumkin, shunda mijoz, ularsiz ham operatsiyalarni bajarish imkoniyatiga ega bo‘ladi. Bu holat, o‘z navbatda, NFC-mobil telefoni yordamida autentifikasiya jarayonini amalga oshirib, bank kartochkalarisiz amallarni bajarishga zamin yaratadi.

RFID (Radio Frequency Identification) radiochastotali identifikasiya texnologiyasi – kremniyli mikrosxemalar yordamida radiochastotali yozuvlarni o‘qish moslamasidan so‘rovlarni qabul qilish va ularga javob berish imkoniyatini beradi.

An‘anaviy banklar jismoniy bajariladigan xizmatlarga asoslangan banklardir va AQShning ko‘plab yirik banklari, jumladan JPMorgan Chase va Bank of America banklari ham an‘anaviy banklar hisoblanadi. Onlayn banklarda esa filiallari mavjud bo‘lmaydi va ular xizmatlarini veb-sayti va mobil ilovalar orqali taklif qiladi.

«Galileo» Fintech iste‘molchilarining 65 foizi o‘zlarining asosiy bank hisoblarini an‘anaviy banklarda saqlasa, 27 foizi onlayn banklardan foydalanishini aytdi. Biroq, an‘anaviy banklardan foydalanadigan 65 foiz foydalanuvchining 77 foizi

o'z mablag'larining bir qismini boshqa joyda saqlashini bildirgan [19].

An'anaviy banklar hali ham odamlar o'zlarining asosiy bank hisoblarini yuritadigan asosiy moliyaviy institutdir. Biroq, ularning ta'sir doirasi yildan-yilga pasayib bormoqda.

2017 yildan 2021 yilgacha bo'lgan davrda bank filiallarning 9 foizi yopildi, bu 7500 ga yaqin filial degani. Ushbu yopilishlarning aksariyati COVID-19 pandemiyasi natijasida boshlandi va filiallarning yopilish tezligi ikki baravar tezlashdi. 2020 yil martigacha filiallarning yopilish darajasi har oyda o'rtacha 99 ta bo'lgan bo'lsa COVID-19 pandemiyasi boshlanishi bilan ikki baravar ko'paydi va oyiga 201 taga yetdi.

Aksariyat yirik, an'anaviy banklar endi keng qamrovli mobil ilovalarni taklif qilmoqdalar, pul o'tkazish, hisob balanslarini tekshirish, chakana kredit va depozit xizmatlarini amalga oshirish kabi asosiy bank operatsiyalarini bajarishlari mumkin. Ushbu ilovalarning ba'zilarida hatto avtomatik to'lov funksiyalari ham mavjud.

2021 yilda AQSh da 72534 ta Federal Deposit Insurance Corporation (FDIC) sug'urtalangan bank filiallari mavjud shulardan eng ko'p filiallari bo'lgan bank Chase Bank bo'lib, uning AQShda 4850 ta filiali va 198 ta xorijiy filiallari mavjud.

Bugungi kunda raqamli yoki onlayn banklar asosan veb saytlar yoki mobil xizmatlariga ega banklardir. Ularning filiallari bo'lmasa-da, ulardan mijozlari naqd pulli amaliyotlarni amalga oshirish yirik bankomat tarmoqlari orqali amalga oshirish mumkin. Ally Bank va Discover Bank kabi onlayn banklar raqamli bozorda tez rivojlanayotgan bank bo'lib, raqamli bank bozori 2021 yilda 4,3 milliard dollarni tashkil etadi. Jismoniy filiallarni tashkil etish va ulardan foydalanish xarajatlarisiz, onlayn-banklar ushbu tejalgan mablag'larni boshqa joyga yo'naltirishlari mumkin, masalan, depozitlardan daromadlar yoki bankomat to'lovlarini qoplash va boshqalar. Xususan eng yuqori omonat foizlarining aksariyati onlayn banklar tomonidan taklif etiladi. Raqamli banking iste'molchilar ishonchini oqlamoqa. 2022-yilda 203 million kishi raqamli bank xizmatlaridan foydalanayotgan bo'lsa 2025-yilga borib esa bu raqam 216,8 millionga yetishi kutilmoqda.

Raqamli banklarga raqobatchi sifatida neobanklar paydo bo'lmoqda. Neobanklar turli xil zamonaviy bank xizmatlarini taklif qiluvchi fintech kompaniyalaridir. Aksariyat neobanklarda mijozlari depoziti kafolati mavjud emas, lekin ular Federal Deposit Insurance Corporation (FDIC) tomonidan sug'urtalangan banklar bilan hamkorlik qilishlari mumkin. Chime, Varo va Current neobanklari bu borada yetakchi FinTech banklar sanaladi.

AQShda raqamli bank xizmatlaridan foydalanadigan iste'molchilar soni 2021 yildagi 196,8 milliondan 2022 yilda 203 millionga yetdi. Iste'molchilarning aksariyati (61 foizi) kamida haftasiga bir marta raqamli bank xizmatlaridan foydalanadi.


Iste'molchilarning taxminan 20-25 foizi bank hisobvarag'ini onlayn ochishni afzal ko'rishlarini aytishadi, ammo buni hozirgi banklarida qila olmaydilar [20].

Bank mijozlarining raqamli kanallardan foydalanishi har bir geografik mintaqa va yosh toifasida farq qiladi. Masalan, yangi joriy hisobvarag'ini raqamli shaklda ochish istagi mijozlarning 75 foizi atrofida bo'lsa, mijozlarning atigi 30-35 foizi buni raqamli shaklda qilishni afzal ko'rishlarini bildirgan.

Buyuk Britaniyada banklar raqamli savdoni tashkil etishga 86 foizga kirib borishdi, bu borada Shimoliy Amerikadagiga qaraganda ikki baravar ko'p. Ajablanarlisi shundaki, Buyuk Britaniya banklari mijozlari ham 45 foizi raqamli xaridlarni afzal ko'rishmoqda.

Raqamli xizmat ko'rsatish oxirgi to'rt yil ichida har yili 3-4 foizga o'sdi va mintaqalar bo'ylab man huddi shunday o'sish kuzatildi. Ushbu o'sishga mobil kanalning ta'siri sezilarli bo'ldi. 2021-yilda ham butun dunyo bo'ylab raqamli xizmatlardan foydalanuvchilarning yarmidan ko'pi faqat mobil qurilmalardan foydalanuvchilar edi.

Mobil banking xizmatlaridan foydalanuvchilar soni 2021 yil davomida o'n foizga oshdi, shunda cham banklar mijozlarni to'liq qamrab olmagan. Savdo jarayonlarida ham mobil bankingdan foydalanish ancha yuqori, ya'ni o'rtacha 75 foizni tashkil etadi. Mobil bankingdan foydalanish, foydalanishni afzal bilish va foydalanishni xohlashi o'rtasidagi nomutanosiblik mintaqalar bo'ylab turlichadir (3-rasm).



3-rasm. Bank mijozlarining mobil banking xizmatidan foydalanish, foydalanishni afzal bilish va foydalanishni xohlash holati (hududlar kesimida)

Manba: Internet ma'lumotlari asosida mualliflar tomonidan tuzildi.

Bank filiallari va call markazlari endi yetarlicha muhim emas, chunki mijozlar ehtiyojlarini qondirishda turli raqamli kanallar muhim bo'lib birmoqda. Borgan sari iqtisodiyotning raqamlashib borayotganligi va ma'lumotlarning bazasining

integratsiyalashib borayotganligi uchun mobil aloqa asosiy vositaga aylanib bormoqda, jismoniy kanallar esa vaqt va xarajat bilan ko‘proq bog‘liq.

1-jadval

AQShda chakana kreditlar miqdori, (trln. AQSh dollarida)

Kredit turi	2019	2020	2021	2022	2022 yil 2021 yilga nisbatan o‘zgarishi, %da
Chakana kreditlar miqdori	14,14	14,53	15,31	16,38	+7%

Manba: Internet ma’lumotlari asosida mualliflar tomonidan tuzildi.

Jismoniy shaxshlarga ajratilgan chakana kreditlar hajmi 2019 yilda 14,14 trln. AQSh dollarni, 2020 yilda 14,53 trln. AQSh dollarni, 2021-yilga 15,31 trln. AQSh dollarni tashkil etgan bo‘lsa 2022-yilda 16,38 trln. AQSh dollargacha oshdi. 2021 yilda 2020 yilga nisbatan 5,5 foizga oshgan bo‘lsa 2022 yilda 7 foizga o‘shish kuzatilgan.

2022-yilda 2021 yilga nisbatan chakana kredit turlari bo‘yicha o‘zgarishi turlicha farq qilgan. Avtokreditlar, kredit kartalari, ipoteka krediti, uy-joy kapitali, uy-joy kapitali kredit liniyasi (HELOC) va iste’mol kreditlar hajmida o‘shish kuzatilgan. Shu bilan birga, chakana kredit karta, avto lizing va ta’lim kreditlari hajmi har xil sabablarga ko‘ra kamaygan.

2-jadval

AQShda chakana kredit turlari bo‘yicha ma’lumot, (mlrd. AQSh dollarida)

Kredit turi	2020	2021	2022	2022 yilda 2021 yilga nisbatan o‘zgarishi, %da
Ipoteka krediti	9568,8	10295,0	11225,0	+9,0%
Uy-joy kapitali	117,7	108,4	118,5	+9,3%
Uy-joy kapitali kredit liniyasi (HELOC)	340,4	295,5	305,9	+3,5%
Ta’lim krediti	1578,7	1636,7	1484,8	-9,3%
Avtokredit	1257,6	1334,4	1414,3	+6,0%
Avtolizing	93,5	92,7	71,1	-23,3%
Kredit karta	788,3	784,5	910,0	+16,0%
Chakana kredit karta	114,9	111,6	110,1	-1,3%
Iste’mol kredit	411,4	436,7	516,5	+18,3%
Boshqalar	257,2	217,4	227,8	+4,8%
Jami:	14528,5	15312,7	16383,6	+7,0%

Manba: Internet ma’lumotlari asosida mualliflar tomonidan tuzildi.

2022 yilda ipoteka krediti, ta’lim krediti va avtokreditlar hajm jihatidan katta qismini tashkil etgan. Jami kreditlar hajmi 16383,6 mlrd. AQSh dollarni tashkil etgan bo‘lsa shundan 86 foizdan ortig‘ini ipoteka krediti, ta’lim krediti va avtokreditlar tashkil etadi. Lekin avtolizing, chakana kredit karta va ta’lim kreditlar hajmi 2022 yilda

2021 yilga nisbatan mos ravishda 23,3 foizga, 1,3 foizga va 9,3 foizga kamaygan. Jami kredit hajmi esa 7 foizga oshgan.

Ipoteka krediti, uy-joy kapitali krediti va uy-joy kapitali kredit liniyasi (HELOC)larining har biri qarz olish usullari bo'lib, ular uyni garov sifatida qo'yadi yoki qarz uchun to'langan qismidan foydalanish mumkin. Bu shuni anglatadiki, agar kredit oluvchi to'lovlarini amalga oshirmasa, qarz beruvchi uyni tortib olishi mumkin. Bu kreditlar o'rtasidagi muhim o'xshashliklardan biri. Lekin ular o'rtasida farqli jihatlar ham mavjud.

Uy-joy kapitali kredit liniyasi (HELOC) qarz oluvchi o'z mulkiga egalik qilganda yoki mulkka ega bo'lsagina bu kreditni olishi mumkin. Banklar odatda uy qiymatining 80% gacha garovga qo'yishga ruxsat beradi. Yana bir jihatini alohida qayd etish lozimki uy-joy kapitali kredit liniyasi (HELOC) olishda mulk egasining mulkning qancha qismiga egaligiga qarab garov qiymatining necha foizini garov sifatida olishi aniqlanadi. Uy-joy kapitali kredit liniyasi (HELOC) kredit oluvchi uyining qiymatiga nisbatan bir marta kredit olish mumkin.

Agar qarz oluvchi kredit to'lovlarini to'layolmasa, qarz beruvchi bank garov shartnomasiga asosan uyni yoki garovni olib qo'yishi mumkin. Keyin qarz beruvchi bank berilgan kreditni qaytarish uchun uyni ko'pincha kim oshdi savdosida sotadi. Agar bu sodir bo'lsa, ushbu ipoteka ("birinchi" ipoteka sifatida tanilgan) uy-joy kapitali krediti (ba'zan "ikkinchi" ipoteka sifatida tanilgan) yoki uy-joy kapitali kredit liniyasi (HELOC) kabi mulkka qarab keyingi egalik masalasi hal bo'ladi. Keyingi kreditorlar garovga qo'yilgan mulkni sotishdan tushgan daromadni olishdan oldin, dastlabki qarz beruvchiga to'lov to'liq to'lanishi lozim.

Uy-joy kapitali krediti ham ipoteka krediti hisoblanadi. Uy-joy kapitali kreditining an'anaviy ipoteka kreditidan asosiy farq shundaki, mulkni o'z kapitaliga sotib olganda yoki mulkning ma'lum qismini to'laganda (bunda muddati o'tgan qarzdorlik bo'lmasligi lozim) to'langan qismini garovga qo'ygan holda uy-joy kapitali kreditini olish mumkin. Ipoteka krediti odatda xaridorga birinchi navbatda mulkni sotib olishni moliyalashtirish imkonini beruvchi kreditlash vositasidir.

Nomidan ko'rinib turibdiki, uy-joy kapitali krediti garovga qo'yilgan - ya'ni kafolatlangan - uy-joy mulkdorining mulkdagi egalik kapitalidir. Misol uchun, ipoteka kreditga olingan mulk qiymati 300 000 AQSh dollar bo'lgan uy-joy uchun mijozning 200 000 AQSh dollari qarzi qolgan bo'lsa, mijozda 100 000 AQSh dollarlik kapitali mavjud bo'ladi. Mijoz krediti tasnifi standat tasnifida bo'lsa va kreditning boshqa shartlariga ham mos bo'lsa mulkdagi 100 000 AQSh dollaridan garov sifatida foydalanib qo'shimcha kredit olishi mumkin.

Odamlar "ipoteka" atamasini ishlatganda, ular odatda an'anaviy ipoteka haqida

gapiradilar, ya'ni banklar tomonidan turar joy sotib olish uchun beriladigan kreditni tushunishadi. Aksariyat hollarda banklar uying baholangan qiymatining yoki sotib olish narxining 75-80 foizini kredit sifatida beradi. Qolgan qismini qarz oluvchi dastlabki badal sifatida to'lashi kerak.

AQShda banklar fuqarolariga noan'anaviy ipoteka variantlarini ham taklif etadi. Federal uy-joy ma'muriyati (Federal Housing Administration) ham ipoteka kreditlarini mijozlariga taqdim etib, ular qarz oluvchilarga ipoteka sug'urtasini to'lashi sharti bilan 3,5% ni kamaytirishga imkon beradi. AQShda Veteranlar bilan ishlash departamenti (Department of Veterans Affairs) kreditlari va AQSh Qishloq xo'jaligi departamenti (Loans and US Department of Agriculture) kreditlar uchun 0% boshlang'ich to'lov talab qilinadi.

Turli zamonaviy texnologiyalar moliyaviy xizmatlar ko'rsatish evolyutsiyasida katta rol o'ynadi, shuningdek, bozorga ba'zi innovatsion mahsulot xususiyatlarini olib keldi. Xuquqiy jihatdan qonunchilikdagi o'zgarishlar chakana bank mahsulotlari va xizmatlarini etkazib beruvchilar doirasini kengaytirdi va shu bilan birga xizmatlar bozorida katta raqobat va ko'proq mahsulotlar tanlovini ta'minladi. Raqamli mahsulotlar va xizmatlarning evolyutsiyasi, shuningdek, keyingi innovatsiyalarni yaratishda ham muhim ahamiyat kasb etadi, ammo moliyaviy ko'rsatkichlarni mustahkamlash va ko'lamni oshirish uchun yangi provayderlar o'rtasida konsolidatsiya kelgusi yaqin yillar ichida sodir bo'lishi mumkin.

Xulosa

Chakana bank xizmatlarini rivojlantirishida chakana bank xizmatlari bo'yicha mamlakat bank tizimidagi huquqiy baza, bank tizimiga nisbatan davlat siyosati, aholining sotsial holati, bank, filiallari va bank xizmatlari markazlarining joylashgan joyi, bankning imiji, bank tomonidan taqdim etilayotgan xizmatlarning sifati va narxi, mijozlarga xizmat ko'rsatish odoibi va madaniyati hamda xodimlarning kasbiy-malakaviy va professionallaik darajasi kabi jihatlariga alohida e'tibor qaratish lozim.

Chakana bank xizmatlarini rivojlantirishida birinchidan, mavjud bo'lgan chakana bank xizmatlarni modifikasiyalash – bu an'anaviy bank xizmatlarning texnologik parametrlarini o'zgartirish orqali taklif qilinayotgan chakana bank xizmatlarini raqamlashtirish va takomillashtirishga olib keladi.

Ikkinchidan, mavjudlaridan tubdan farq qiluvchi butunlay zamonaviy bank xizmatlarini joriy qilish. Ushbu xizmatlarni mijozlarning talabiga mos holda qulay qilib ishlab chiqilishi va tadbiiq etilishi banklar va bank bo'lmagan boshqa FinTech tashkilotlari o'rtasidagi raqobatni kuchaytirishi, moliyaviy xizmatlarning yangi segmentlarini rivojlanishiga hamda moliyaviy texnologiyalar asosida va yangi texnologik raqamli xizmatlarni yaratishni talab qiladi.

Uchinchidan, ma'lumotlarning bazasi shakllantirgan holda banklarda turli

qo‘shimcha xizmatlarni joriy qilish va rivojlantirish ham muhim ahamiyatga ega. Ko‘pincha an‘anaviy bank xizmatlarini ko‘rsatishda zamonaviy moliyaviy texnologiyalar asoslangan zamonaviy usullarni, maslahat xizmatlarini, boshqa moliyaviy va axborot xizmatlarini joriy qilish orqali har tomonlama qulay xizmat ko‘rsatish muhitini yaratish lozim.

Undan tashqari bank sektoridagi innovatsiyalar mijoz va bank mahsulotlari bilan ishlashni texnologik ta‘minlashning yangi bosqichi bo‘lib eng yangi dasturiy ta‘minot va bank texnologiyalarni keng qo‘llanishi chakana bank xizmatlarini rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Brassington, F., Pettitt, S., & McMillan, K. (2010). Principles of marketing. Harlow: Financial Times Prentice Hall.
2. Storbacka, K., & Nenonen, S. (2014). Learning with the market: Facilitating market innovation. *Industrial Marketing Management*. 44, 73-82. DOI: 10.1016/j.indmarman.2014.10.009
3. Ajzen, I. (2008). Consumer attitudes and behavior. In C. P. Haugtvedt, P. M. Herr, & F. R. Cardes (Ed.) *Handbook of Consumer Psychology* (pp. 525-548). New York: Lawrence Erlbaum Associates
4. Brown S. Retail Lokcation: a mikro-scale perspective. Aldershot: Avebury, 1992. P.11.
5. Управление розничным маркетингом: перю с англ./под ред. Д.Гилберта, М., 2005. С. 10-11
6. Nasdaq, “The High Cost of the Banking Business;” September 27, 2019.
7. Retail Banker International, “Why experience-based branches are growing;” May 25, 2022.
8. Future Branches, “Here’s How UnionBank is Turning to Technology to Create Its First 100% Digital Branch;” 2022.
9. Retail Banker International, “Banca Carige gets smart with new branch strategy;” June 30, 2022.
10. Reuters, “Bank of America ramps up branch modernization;” April 5, 2019.
11. The Wall Street Journal, “Tech Startups Cut Spending as Investors Pull Back;” May 23, 2022.
12. Altfi, “Payments power VC fintech funding to \$29.3bn in Q1;” May 9, 2022.
13. Capgemini Research Institute for Financial Services Analysis, 2022 so‘rovnoma natijalari asosida muallif tomonidan tuzildi.
14. Techcrunch, “Fintech Roundup: Fintechs and banks are getting cozier;” March 6, 2022.
15. Finextra, “Serendip, in partnership with BNP Paribas, parades 2022 fintech incubator class;” May 25, 2022.

16. Platformable, “Using Open Banking and Open Finance APIs to Build Green Fintech;” Q1 2022
17. The FinTech Times, “BaaS Adoption to Push Platform Revenue to \$38Billion by 2027; Finds Juniper Research;” September 26, 2022
18. The Global Findex Database 2021; Accessed October 29, 2022.
19. **Established Direct Banking Brands Flex Their Digital Banking Muscle, According to J.D. Power.** Charles Schwab Bank, Discover Bank and American Express Rank Highest in Respective Segments, 12 May 2022
20. Bennett R., Bennett K. Digital banking in 2022: Trends and statistics. September 28, 2022

CHANGING STAFF MOTIVATION IN CONDITIONS OF DIGITAL ECONOMY DIGITALIZATION

Gafurova Dilshoda Ramazanovna

PhD, Associate Professor at Kimyo International University in Tashkent

Makhmudova Sugdiyona Ahmadjon kizi

master degree student at Kimyo International University in Tashkent

Kadyrova Khilolakhon Nodirbek kizi

master degree student at Kimyo International University in Tashkent

Abstract: The problem of staff motivation acquires particular relevance in the context of the digital transformation of all spheres of society. This article is devoted to the study of the theoretical aspects of the influence of the digital economy on staff motivation. Approaches and systems of personnel motivation as well as methods for assessing motivation in an organization are considered.

Keywords: *motivation, personnel, digital economy, digital technologies, digital transformation, KPI.*

Annotatsiya: Jamiyatning barcha sohalarini raqamli transformatsiya sharoitida xodimlarni rag'batlantirish muammosi alohida dolzarblik kasb etadi. Ushbu maqola raqamli iqtisodiyotning xodimlar motivatsiyasiga ta'sirining nazariy jihatlarini o'rganishga bag'ishlangan. Xodimlarni rag'batlantirishning yondashuvlari va tizimlari, shuningdek tashkilotdagi motivatsiyani baholash usullari ko'rib chiqilgan.

Kalit so'zlar: *motivatsiya, kadrlar, raqamli iqtisodiyot, raqamli texnologiyalar, raqamli transformatsiya, KPI.*

Аннотация: Проблема мотивации персонала приобретает особую актуальность в условиях цифровой трансформации всех сфер жизни общества. Данная статья посвящена изучению теоретических аспектов влияния цифровой экономики на мотивацию персонала. Рассмотрены подходы и системы мотивации персонала, а также методы оценки мотивации в организации.

Ключевые слова: *мотивация, кадры, цифровая экономика, цифровые технологии, цифровая трансформация, KPI.*

Introduction

Employee motivation is one of the central places in personnel management, since it is the direct cause of their behavior. The orientation of employees to improve

the efficiency of the organization is, in fact, the main task of personnel management. This suggests that motivation and stimulation are an integral part of managerial activity. They allow you to fully implement an individual approach to employees and realize the personal potential of the manager and all other employees to achieve the current and strategic goals of the organization.

The process of stimulating employees and motivating them to perform certain duties is currently one of the key issues raised by the personnel management system of absolutely any enterprise operating in absolutely any field. Motivation and incentives, as many experts note, act as a direct cause that affects the behavior of employees and their reaction to the atmosphere of the enterprise as a whole. In the modern world, society is rapidly developing, every year human habits, behavior, traditions, features - all this, of course, undergoes annual changes.

Creating a system of incentives that encourage each individual employee to work with the greatest return is one of the most difficult and time-consuming tasks of a manager. It must be borne in mind that the incentive system chosen by management largely depends on how the organization's goals are achieved. The question is often only how to find the right balance of material and non-material motivation of employees, since their balanced system allows not only maintaining employee loyalty and efficiency, but also reducing costs, reducing resistance to change and innovation, and achieving the implementation of the company's strategy.

Currently, each Uzbek organization has its own system of employee motivation. The study of various methods of staff motivation allows the company to eliminate the shortcomings of its incentive system and improve it. In its most general form, motivation is a set of internal and external driving forces that motivate a person to work, set boundaries and forms of activity, and give this activity an orientation aimed at achieving certain goals. The influence of motivation on human behavior depends on many factors, largely individual, and can change under the influence of feedback from human activity. Employee motivation is one of the ways to increase employee productivity and a key focus of an organization's HR strategy. Motivation is usually understood as a targeted impact on an individual employee and the entire team as a whole, aimed at ensuring the tasks set.

Main part

All known theories of motivation are united by the statement that there are various ways to motivate employees. Each theory is characterized by its own effective combination of such methods. The main forms of personnel motivation are economic, socio-economic and moral motivation.

The appearance in 1995 of the term “digital economy”, which was simultaneously introduced into scientific circulation by Canadian management

professor Don Topscott and American computer scientist Nicholas Negroponte, was associated with the rapid development of the basic innovation of the fifth technological order - information and communication technologies [1]. In the scientific literature, “digital economy” is understood as digital economy (a sector of the economy) and digital economics (a new direction in economic science [2]. The concept of “digital economy”, in a broad sense, is defined by the World Bank, and is a system of relations (economic, social, cultural) carried out using digital technologies.

The digital economy is becoming the driving force behind the economic development of all mankind and represents a new a form of socio-economic development in which knowledge and information become the most important factor of production. According to experts, the average profitability of "digital" investments is 6.7 times higher than this indicator of the effectiveness of investments in traditional sectors of the economy. In 2019, the share of the digital economy in the total GDP of Uzbekistan amounted to 2.2 %, which is more than two times lower than that of the leading countries. The development of the ICT industry was facilitated by the growth in the volume of investments in fixed assets by the type of activity “information and communication”, which in the period 2016 - 2020 increased 4 times from 1.2 to 4.8 trillion soums, including the volume of foreign investments and loans increased 2.5 times from 0.8 to 2 trillion soums. The index method is used to analyze and monitor complex socio-economic phenomena [3].

One of the authoritative international indices is the Network Readiness Index (Index), which has been formed by the World Economic Forum since 2002 and improved in 2019. In addition to the Network Readiness Index, the level of digital readiness and (or) maturity of countries in relation to digitalization is assessed by several international ratings (rankings).): ICT Development Index (IDI), Electronic Government Development Index, International Digital Competitiveness Index (IMD World Digital Competitiveness Index, WDCI), Digital Economy and Society Index (DESI), Digital Evolution Index (Digital Evolution Index), Global Connectivity Index, Digital Economy Index (Intensity) [4].

The task of digital transformation is to prepare a company, government agency, educational institution, city, country to work in a digital economy. Although the definition of the digital economy is based on data and working with them, digital transformation does not only mean technologies and their implementation, but predetermines the complex transformation of the company, which will allow it to quickly adapt to new conditions. There are the following blocks included in the digital transformation framework: “employees”, “clients”, “products”, “processes”, “business models”, “partner ecosystem”, “technologies” and “infrastructure”. The task of digital transformation implies the use of new tools in relation to all the above “blocks”. In order to implement digital transformation, a new leadership position has been created

- Chief Digital Office (first appeared in 2009). A CDO is a person who helps a company, government or city grow by turning a traditional “analogue” business into a digital one using the potential of modern online technologies and data, sometimes overseeing processes in digital directions, for example, mobile applications, social networks. McKinsey experts have identified CDO as “Transformer in Chief”. Despite the rapid development of information technology, people are the main element of the corporate management system.

